

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚОНУНЧИЛИК
ТЎПЛАМИ

46-сон
(1118)
2023 йил
ноябрь

Ўзбекистон Республикаси қонунчилик тўплами беш бўлимдан иборат:

биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

МУНДАРИЖА

Биринчи бўлим

462. «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2023 йил 15 ноябрдаги ўРҚ–878-сон Қонуни

Иккинчи бўлим

463. «Халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотлари билан амалга оширилаётган лойиҳаларни янада жадаллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 16 ноябрдаги ПФ–195-сон Фармони

464. «Иш ҳақи, пенсиялар ва нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 17 ноябрдаги ПФ–196-сон Фармони

465. «Аҳолини кичик ва ўрта бизнесга кенг жалб қилишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 15 ноябрдаги ПҚ–366-сон қарори

Учинчи бўлим

466. «Ўзбекистон Республикаси Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги тизимидаги спорт-таълим ташкилотларида хизматлар кўрсатишни аутсорсинг асосида ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 15 ноябрдаги 598-сон қарори

467. «Республика термитларга қарши курашиш маркази фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 16 ноябрдаги 605-сон қарори

Бешинчи бўлим

468. Ўзбекистон Республикаси ёшлар сиёсати ва спорт вазирининг 2023 йил 1 ноябрдаги 14-мх-сон «Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти ва унинг филиаллари профессор-ўқитувчиларининг педагогик юкламалари ҳажмига ўзгартириш киритиш ҳақида»ди буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил 13 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3108-3*)

469. Ўзбекистон Республикаси ёшлар сиёсати ва спорт вазирининг 2023 йил 1 ноябрдаги 13-мх-сон «Гимнастика бўйича республика ихтисослаштирилган олимпия захиралари болалар-ўсмирлар спорт мактабига ўқувчи-спортчиларни конкурс асосида танлаб олиш ва қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил 13 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3137-3*)

470. Ўзбекистон Республикаси камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирининг 2023 йил 26 октябрдаги 76-2023/Б-сон «Боғлар ҳамда маданият ва истироҳат боғлари ходимлари учун меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил 14 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2160-1*)

471. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазирининг 2023 йил 19 октябрдаги 218-сон «Аграр соҳадаги олий таълим муассасалари қошидаги академик лицейларнинг битирувчиларини ушбу олий таълим муассасаларига яқка тартибда суҳбат ўтказиш орқали ўқишга қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил 14 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3476*)

472. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2023 йил 14 ноябрдаги 19-мх-сон «Шахсга доир маълумотлар базасининг мулкдори ва (ёки) операторининг шахсга доир маълумотларга ишлов берилишини ҳамда уларнинг ҳимоя қилинишини таъминловчи тузилмавий бўлинмаси ёки ваколатли шахси фаолиятини ташкил этишнинг намунавий тартибини тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил 15 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3477*)
473. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2023 йил 15 ноябрдаги 20-мх-сон «Шахсга доир маълумотларга ишлов беришнинг намунавий тартибини тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил 15 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3478*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисидаги маълумот

БИРИНЧИ БЎЛИМ**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ****462 Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида***

Қонунчилик палатаси томонидан 2023 йил 25 июлда қабул қилинган

Сенат томонидан 2023 йил 28 октябрда маъқулланган

Қонунчилик палатаси томонидан 2023 йил 25 июлда қабул қилинган Сенат томонидан 2023 йил 28 октябрда маъқулланган

Мамлакатимизда тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва иқтисодиётда соғлом рақобат муҳитини ривожлантириш, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва аҳоли саломатлигини сақлаш бўйича тизимли ишлар олиб борилмоқда.

Шу билан бирга «Инсоннинг шаъни ва кадр-қиммати учун» тамойили асосида аҳоли саломатлигини таъминлаш мақсадида контрафакт ва сифатсиз товарларни ишлаб чиқариш ҳамда уларнинг муомалага киритилишига барҳам бериш, ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш зарурияти юзга келмоқда.

Ушбу Қонун билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексида истеъмолчиларнинг ҳаёти ёки соғлиғи хавфсизлиги талабларига жавоб бермайдиган товарларни ўтказиш мақсадини қўзлаб ишлаб чиқарганлик, сақлаганлик, ташиганлик, ўтказганлик, ишлар бажарганлик ёки хизматлар кўрсатганлик учун жавобгарликни кучайтиришга, этил спирти, алкоғолли маҳсулот ва тамаки маҳсулотини қонунга хилоф равишда ишлаб чиқарганлик учун жиноий жавобгарликни белгилашга тааллуқли ўзгартиришлар киритилмоқда.

Шу билан бир қаторда мазкур Қонун билан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексида санитария тўғрисидаги қонунчиликни ва ветеринария қоидаларини бузганлик, ўзганинг товар белгисидан қонунга хилоф равишда фойдаланганлик учун жавобгарлик кучайтирилишига, шунингдек ҳайвонларнинг юқумли касалликлари ўчоқлари аниқланганда карантин қоидаларини, ветеринария дори воситалари ва озукабоп қўшимчаларнинг хавфсизлиги нормаларини бузганлик учун маъмурий жавобгарлик белгиланишига қаратилган ўзгартиришлар киритилмоқда.

Бундан ташқари, «Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига шахснинг

* Ушбу Қонун «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 16 ноябрда эълон қилинган.

муайян фаолият тури билан шуғулланиши учун суднинг тақиқи мавжуд бўлганда лицензияни ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни беришни рад этиш учун асослар кенгайтирилишини, лицензияни ва рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни бекор қилиш ёки хабардор қилиш тартибида амалга ошириладиган фаолиятни (ҳаракатларни) суд томонидан тугатиш учун асос бўладиган бир марталик қўпол қоидабузарлик аниқлаштирилишини, ваколатли органларга лицензия, рухсат бериш ва хабардор қилиш талаблари ҳамда шартларига риоя этилишига оид текширувларни Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакилни хабардор қилган ҳолда, қонунчиликда белгиланган тартибда ўтказиш ҳуқуқи берилишини назарда тутувчи ўзгартириш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Шу билан бирга пиво (пиво ичимликлари) билан улгуржи савдо қилишга, шунингдек тамаки маҳсулотлари билан чакана ва улгуржи савдо қилишга доир фаолиятни амалга ошириш учун хабардор қилиш тартиби белгиланмоқда.

Интеллектуал мулкка бўлган ҳуқуқларни ҳимоя қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига географик кўрсаткичлар ҳам интеллектуал мулк объектлари ҳисобланиши тўғрисидаги норма киритилмоқда.

Ушбу Қонун иқтисодиётдаги «яширин айланмаларни» қисқартиришга, ишлаб чиқарувчиларнинг манфаатларини, истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ва интеллектуал мулкни ишончли ҳимоя қилишга, шунингдек фуқаролар соғлигини сақлашга хизмат қилади.

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2012–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 1, 3-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 165-модда; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 314-модда, № 12, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 12, 656-модда; 2007 йил, № 4, 158, 166-моддалар, № 6, 248-модда, № 9, 416, 422-моддалар, № 12, 607-модда; 2008 йил, № 4, 187, 188, 189-моддалар, № 7, 352-модда, № 9, 485, 487, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 4, 128-модда, № 9, 329, 334, 335, 337-моддалар, № 12, 470-модда; 2010 йил, № 5, 176, 179-моддалар, № 9, 341-модда, № 12, 471, 477-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда; 2012 йил, № 4, 108-модда, № 9/1, 242-модда, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда, № 9, 244-модда, № 12, 343-модда; 2015 йил, № 6, 228-модда,

№ 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 3, 47-модда, № 6, 300-модда, № 9, 506, 510-моддалар; 2018 йил, № 1, 4-модда, № 4, 218, 224-моддалар, № 7, 430-модда, № 10, 679-модда; 2019 йил, № 1, 3, 5-моддалар, № 3, 161-модда, № 5, 259, 267, 268-моддалар, № 7, 386-модда, № 8, 471-модда, № 9, 592-модда, № 11, 787-модда, № 12, 880-модда; 2020 йил, № 1, 4-модда, № 3, 204-модда, № 7, 449-модда, № 10, 593-модда, № 11, 651-модда, № 12, 691-модда; 2021 йил, № 1, 5, 14-моддалар, № 2, 142, 144-моддалар, № 3, 217-модда, 4-сонга илова, № 8, 800, 803-моддалар, № 10, 966, 968, 973-моддалар, № 12, 1193-модда; 2022 йил, № 2, 81-модда, № 3, 215, 216-моддалар, № 4, 337-модда, № 5, 464, 466-моддалар, № 6, 575-модда, № 10, 981-модда; 2023 йил, № 3, 184, 185, 187, 188-моддалар, № 4, 265-модда, № 5, 319-модда) қуйидаги ўзгартиришлар киритилсин:

1) **186-модданинг матни** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Истеъмолчиларнинг ҳаёти ёки соғлиғи хавфсизлиги талабларига жавоб бермайдиган товарларни ўтказиш мақсадини кўзлаб ишлаб чиқариш, сақлаш, ташиш ёхуд ўтказиш, ишлар бажариш ёки хизматлар кўрсатиш, —

базавий ҳисоблаш миқдорининг юз бараваридан икки юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд бир йилдан икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар:

а) жуда кўп миқдорда;

б) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб;

в) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан содир этилган бўлса;

г) баданга ўртача оғир ёхуд оғир шикаст етказилишига сабаб бўлса, — базавий ҳисоблаш миқдорининг икки юз бараваридан тўрт юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар одам ўлишига сабаб бўлса, —

беш йилдан етти йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар:

а) одамлар ўлимига;

б) бошқача оғир оқибатларнинг келиб чиқишига сабаб бўлса, —

етти йилдан ўн икки йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади»;

2) **186¹-модда** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«186¹-модда. Этил спирти, алкоғолли маҳсулот ва тамаки маҳсулотини қонунга хилоф равишда муомалага киритиш ёки ишлаб чиқариш

Этил спирти, алкоғолли ва тамаки маҳсулотларини қонунга хилоф равишда муомалага киритиш анча миқдорда ёхуд шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, —

базавий ҳисоблаш миқдорининг икки юз бараваридан тўрт юз баравари-

ригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки икки йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Этил спирти, алкоғолли ва тамаки маҳсулотларини қонунга хилоф равишда ишлаб чиқариш, —

базавий ҳисоблаш миқдорининг икки юз бараваридан тўрт юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ушбу модданинг биринчи ва иккинчи қисмларида назарда тутилган ҳаракатлар:

- а) кўп миқдорда;
- б) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб;
- в) тақроран ёки хавфли рецидивист томонидан;
- г) хизмат лавозимини суиистеъмол қилиш йўли билан содир этилган бўлса, —

базавий ҳисоблаш миқдорининг тўрт юз бараваридан олти юз бараваригача миқдорда жарима ёки беш йилдан етти йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ушбу модданинг биринчи ва иккинчи қисмларида назарда тутилган ҳаракатлар:

- а) жуда кўп миқдорда;
- б) уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса, —

етти йилдан ўн икки йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Этил спирти, алкоғолли маҳсулот ва тамаки маҳсулотини кўп миқдорда ёки жуда кўп миқдорда қонунга хилоф равишда муомалага киритиш ёхуд ишлаб чиқаришга ҳокимият ёки мансаб ваколатларини суиистеъмол қилиш йўли билан ҳомийлик қилиш, —

етти йилдан ўн икки йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади».

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2015–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 3, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 193-модда, № 12, 269-модда; 1996 йил, № 5-6, 69-модда, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 4-5, 126-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда, № 7-8, 217-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 5, 90-модда,

№ 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда, № 12, 413, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 9, 498-модда, № 10, 536-модда, № 12, 656, 659-моддалар; 2007 йил, № 4, 158, 159, 164, 165-моддалар, № 9, 416, 421-моддалар, № 12, 596, 604, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 181, 189, 192-моддалар, № 9, 486, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 9, 334, 335, 337-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 462, 468, 470, 472, 474-моддалар; 2010 йил, № 5, 175, 179-моддалар, № 6, 231-модда, № 9, 335, 339, 341-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 468, 473, 474-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда, № 4, 104, 105-моддалар, № 9, 247, 252-моддалар, № 12/2, 365-модда; 2012 йил, № 4, 108-модда, № 9/1, 242-модда, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда, № 9, 244-модда, № 12, 341, 343-моддалар; 2015 йил, № 6, 228-модда, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 1, 2-модда, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 4, 137-модда, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда, № 10, 605-модда; 2018 йил, № 1, 1, 4, 5-моддалар, № 4, 224-модда, № 7, 430, 431, 432-моддалар, № 10, 671, 673, 679-моддалар; 2019 йил, № 1, 1, 3, 5-моддалар, № 2, 47-модда, № 3, 161, 165, 166-моддалар, № 5, 259, 261, 267, 268-моддалар, № 7, 386-модда, № 8, 469, 471-моддалар, № 9, 591, 592-моддалар, № 10, 674, 676-моддалар, № 11, 787, 791-моддалар, № 12, 880, 891-моддалар; 2020 йил, № 1, 4-модда, № 3, 203, 204-моддалар, № 7, 449-модда, № 9, 539, 540-моддалар, № 10, 593, 596-моддалар, № 11, 651-модда, № 12, 691-модда; 2021 йил, № 1, 5, 7, 12, 13, 14-моддалар, № 2, 142-модда, № 3, 217-модда, № 4, 290, 293-моддалар, 4-сонга илова, № 8, 800, 802, 803-моддалар, № 9, 903-модда, № 10, 966, 967, 968, 973-моддалар, № 11, 1066-модда; 2022 йил, № 1, 1, 2-моддалар, № 2, 80, 81-моддалар, № 3, 215, 216-моддалар, № 4, 337-модда, № 5, 464, 465, 466, 467-моддалар, № 8, 787-модда, № 10, 981, 984-моддалар, № 12, 1188-модда; 2023 йил, № 3, 184, 185, 188, 189-моддалар, № 4, 265, 266, 268-моддалар, № 5, 319, 320-моддалар) қуйидаги ўзгартиришлар киритилсин:

1) **53-модданинг санкцияси** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг беш бараваридан ўн бараваригача, мансабдор шахсларга эса — ўн беш бараваридан йигирма бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади»;

2) **109-модданинг матни** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Ветеринария, ветеринария-санитария қоидалари ва нормаларини бузганлик, эпизоотияларга қарши курашиш чораларини кўрмаганлик —

фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг бир бараваридан уч бараваригача, мансабдор шахсларга эса — уч бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Ҳайвонларнинг юқумли касалликлари ўчоқлари аниқланганда чекловчи тадбирлар (карантин) қоидаларини бузиш, шунингдек ҳайвонларнинг бир вақтнинг ўзида оммавий касалланиши ёки тўсатдан нобуд бўлганлиги тўғри-

сидаги маълумотларни давлат ветеринария назорати органларидан яшириш, уларга хабар бермаслик, —

базавий ҳисоблаш миқдорининг уч баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

Ветеринария дори воситалари ва озуқабоп қўшимчаларнинг хавфсизлиги нормаларини ҳамда уларни ишлаб чиқариш, тайёрлаш, сақлаш, ташиш ёки ўтказиш қоидаларини бузиш, —

ҳуқуқбузарлик қуроли ва ашёларини мусодара қилиб, базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади»;

3) **177-модда** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«177-модда. Ўзганинг товар белгисидан, хизмат кўрсатиш белгисидан, географик кўрсаткичидан, товар келиб чиққан жой номидан ёки адаштириб юбориш даражасида улар билан ўхшаш бўлган белгилардан шу турдаги товарларга (хизматларга) нисбатан қонунга хилоф равишда фойдаланиш ёхуд ўзганинг фирма номидан қонунга хилоф равишда фойдаланиш

Ўзганинг товар белгисидан, хизмат кўрсатиш белгисидан, географик кўрсаткичидан, товар келиб чиққан жой номидан ёки адаштириб юбориш даражасида улар билан ўхшаш бўлган белгилардан шу турдаги товарларга (хизматларга) нисбатан қонунга хилоф равишда фойдаланиш ёхуд ўзганинг фирма номидан қонунга хилоф равишда фойдаланиш, —

ҳуқуқбузарлик ашёларини мусодара қилиб, базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн беш бараваридан ўттиз бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарликлар маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, —

ҳуқуқбузарлик ашёларини мусодара қилиб, базавий ҳисоблаш миқдорининг ўттиз бараваридан эллик бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади»;

4) **186¹-модданинг:**

номидаги «қонунга хилоф равишда ишлаб чиқариш ёки муомалага киритиш» деган сўзлар **«қонунга хилоф равишда муомалага киритиш»** деган сўзлар билан алмаштирилсин;

диспозициясидаги «қонунга хилоф равишда ишлаб чиқариш ёки муомалага киритиш» деган сўзлар **«қонунга хилоф равишда муомалага киритиш»** деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 21 декабрда қабул қилинган 163–I-сонли ва 1996 йил 29 августда қабул қилинган 256–I-сонли қонунлари билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, 2-сонга илова, № 11-12; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9,

241-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 9, 229-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 182-модда; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 4, 154-модда, № 9, 494, 498-моддалар; 2007 йил, № 1, 3, 5-моддалар, № 4, 156, 164-моддалар, № 8, 367-модда, № 9, 416-модда, № 12, 598, 608-моддалар; 2008 йил, № 4, 192-модда, № 12, 640-модда; 2009 йил, № 9, 337-модда; 2010 йил, № 9, 335, 337, 340-моддалар; 2011 йил, № 12/2, 363, 364, 365-моддалар; 2012 йил, № 4, 106, 109-моддалар, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 5, 130-модда, № 12, 343-модда; 2015 йил, № 8, 310, 312-моддалар; 2016 йил, № 4, 125-модда; 2017 йил, № 4, 137-модда, № 9, 510-модда, № 12, 773-модда; 2018 йил, № 1, 4-модда, № 4, 224-модда, № 7, 433-модда, № 10, 673-модда; 2019 йил, № 3, 161, 166-моддалар, № 5, 267-модда, № 10, 671-модда, № 12, 880, 886-моддалар; 2020 йил, № 1, 3, 4-моддалар, № 10, 593-модда; 2021 йил, 4-сонга илова, № 8, 801-модда, № 10, 968-модда; 2022 йил, № 2, 79-модда, № 3, 217, 218-моддалар, № 4, 340-модда, № 5, 464-модда, № 6, 570, 577-моддалар, № 11, 1061, 1062-моддалар) **1031-моддасининг 2-бандига** қуйидаги қўшимча ва ўзгартириш киритилсин:

қуйидаги мазмундаги **тўртинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«географик кўрсаткичлар»;

тўртинчи хатбоши бешинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

4-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 14 июлда қабул қилинган «**Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисида**»ги ЎРҚ–701-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2021 йил, № 7, 661-модда; 2022 йил, № 4, 340-модда, № 5, 465-модда; 2023 йил, № 2, 103-модда, № 3, 185-модда) қуйидаги қўшимча ва ўзгартиришлар киритилсин:

1) **29-модданинг биринчи қисми:**

қуйидаги мазмундаги **тўртинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«қонунчиликда назарда тутилган фаолият турлари учун бир йил муддатга лицензияни олиш ёки суднинг қарорига (ҳукмига) асосан шахсга нисбатан муайян фаолият тури билан шуғулланиш тақиқланганлиги»;

тўртинчи ва **бешинчи хатбошилари** тегишинча **бешинчи** ва **олтинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин;

2) **33-модда:**

биринчи қисмининг:

тўққизинчи хатбошиси қуйидаги мазмундаги **тўққизинчи** ва **ўнинчи хатбошилар** билан алмаштирилсин:

«лицензиат ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни олган шахс томонидан лицензия ёки рухсат бериш талаблари ва шартлари мунтазам равишда (бир йил давомида икки ва ундан ортиқ маротаба) бузилганда;

лицензиат ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни олган шахс томонидан лицензия ёки рухсат бериш талаблари ва шартлари бир маротаба

қўпол равишда бузилганда, агар мазкур қоидабузарлик фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига зиён, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига, жамоат хавфсизлигига зарар ҳамда атроф-муҳитга зиён етказилишига, жамият ва давлат манфаатларига зарар етказилишига, тинчлик ва хавфсизликка таҳдид солинишига олиб келган бўлса. Лицензиянинг ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг бекор қилинишига асос бўладиган қўпол қоидабузарликларнинг рўйхати фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш тартиби тўғрисидаги низомларда, шунингдек уларнинг паспортларида белгиланади»;

ўнинчи хатбошиси ўн биринчи хатбоши деб ҳисоблансин;

қўйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Ушбу модда биринчи қисмининг тўққизинчи — ўн биринчи хатбошиларида назарда тутилган ҳолларда қонунчиликда белгиланган фаолият турлари учун бир йил давомида қайтадан лицензия берилмайди. Мазкур талаб тадбиркорлик субъектининг муассиси ёки бенефициар мулкдори томонидан ташкил этиладиган янги тадбиркорлик субъектларига нисбатан ҳам татбиқ этилади»;

иккинчи — еттинчи қисмлари тегишинча **учинчи — саккизинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

тўртинчи қисмидаги «ўнинчи» деган сўз «ўн биринчи» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

бешинчи қисмидаги «ўнинчи» деган сўз «ўн биринчи» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) **46-модда биринчи қисмининг тўртинчи хатбошиси** қўйидаги мазмундаги тўртинчи ва бешинчи хатбошилар билан алмаштирилсин:

«белгиланган талаблар ва шартлар мунтазам равишда (бир йил давомида икки ва ундан ортиқ марта) бузилганда;

белгиланган талаблар ва шартлар бир марта қўпол равишда бузилганда, агар мазкур қоидабузарликлар фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига зиён, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига, жамоат хавфсизлигига зарар ҳамда атроф-муҳитга зиён етказилишига, жамият ва давлат манфаатларига зарар етказилишига, тинчлик ва хавфсизликка таҳдид солинишига олиб келган бўлса»;

4) **47-модда** қўйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Ушбу Қонун 46-моддаси биринчи қисмининг иккинчи, тўртинчи ва бешинчи хатбошиларида назарда тутилган ҳолларда қонунчиликда белгиланган фаолият турлари бўйича хабардор қилиш тартибида амалга ошириладиган фаолиятни (ҳаракатларни) амалга ошириш олти ойгача бўлган муддатга тақиқланади. Мазкур талаб тадбиркорлик субъектининг муассиси ёки бенефициар мулкдори томонидан ташкил этиладиган янги тадбиркорлик субъектларига нисбатан ҳам татбиқ этилади»;

5) **48-модда:**

иккинчи қисмининг иккинчи хатбошиси қўйидаги тахрирда баён этилсин:

«лицензия, рухсат бериш ва хабардор қилиш талаблари ва шартлари-

га жисмоний ва юридик шахсларнинг риоя этишини текширишни Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил билан келишилган ёки уни хабардор қилган ҳолда қонунчиликда белгиланган тартибда жойига чиққан ҳолда ўтказиш»;

учинчи қисми қуйидаги мазмундаги **учинчи, тўртинчи** ва **бешинчи қисмлар** билан алмаштирилсин:

«Ваколатли органлар жисмоний ва юридик шахслар томонидан лицензиясиз ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатсиз, шунингдек хабарнома юбормасдан фаолият билан шуғулланилиши ҳолларини аниқлаш учун белгиланган тартибда назорат тадбирларини ўтказишга ҳақли. Бунда ваколатли органлар томонидан фақат тегишли фаолият турларини амалга ошириш ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатлар мавжудлиги ва хабарнома юборилганлиги текширилади.

Тегишли фаолият турларини амалга ошириш ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд эмаслиги ёки хабарнома юборилмаганлиги аниқланган тақдирда қонунчиликнинг бузилиши фактлари бўйича чоралар кўриш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил билан келишилган ёки уни хабардор қилган ҳолда текширув ўтказилади.

Назоратни амалга ошириш билан боғлиқ ҳолда ўтказиладиган тадбиркорлик субъектларини текширишлар Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил билан белгиланган тартибда келишилган ёки уни хабардор қилган ҳолда амалга оширилади»;

6) 51-модданинг иккинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Лицензия, рухсат бериш ва хабардор қилиш талаблари ва шартларига риоя этилишини жойига чиққан ҳолда текшириш қонунчиликда белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил билан келишилган ёки уни хабардор қилган ҳолда амалга оширилади»;

7) 52-модда иккинчи қисмининг иккинчи хатбошиси «ваколатли органни хабардор этмасдан шуғулланиш» деган сўзлардан кейин «шунингдек ушбу ҳужжатларнинг амал қилиши тўхтатиб турилганда бундай фаолият билан шуғулланиш» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

8) 1-илованинг 10-позицияси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«

10.	Алкоголь маҳсулотларининг улгуржи савдоси (бундан табиий ва кўпикланадиган винолар, пиво ва пиво ичимликлари мустасно) бўйича фаолият учун лицензия	Алкоголь маҳсулотларининг улгуржи савдоси.	Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги
-----	---	--	--

»;

9) 3-илова:

23-позицияси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«

23.	Пиво ва пиво ичимликлари ишлаб чиқариш ва улгуржи савдо қилиш фаолиятини бошлаганлик ёки тугатганлик тўғрисида хабарнома	Пиво ва пиво ичимликларини ишлаб чиқариш ва улгуржи савдо қилиш фаолияти.	Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги
-----	--	---	--

»;

қуйидаги мазмундаги **23¹** ва **23²-позициялар** билан тўлдирилсин:

«

23 ¹ .	Тамаки маҳсулотлари билан улгуржи савдо қилишни бошлаганлик ёки тугатганлик тўғрисида хабарнома	Тамаки маҳсулотлари билан улгуржи савдо қилиш фаолияти.	Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги
23 ² .	Тамаки маҳсулотлари билан чакана савдо қилишни бошлаганлик ёки тугатганлик ҳақида хабарнома	Тамаки маҳсулотлари билан чакана савдо қилиш.	Туман (шаҳар) солиқ инспекциялари

»;

10) 4-илова:

I бўлимнинг 9-позицияси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«

9.	Алкоголь маҳсулотларининг улгуржи савдоси (бундан табиий ва кўпикланадиган винолар, пиво ва пиво ичимликлари мустасно) бўйича фаолият учун лицензия	300
----	---	-----

»;

III бўлимнинг 17-позицияси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«

17.	Пиво ва пиво ичимликлари ишлаб чиқариш ва улгуржи савдо қилиш фаолиятини бошлаганлик ёки тугатганлик тўғрисида хабарнома	75
-----	--	----

».

5-модда. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Ички ишлар вазирлиги, Адлия вазирлиги ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

6-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси: ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин; республика ижро этувчи ҳокимият органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

7-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ой ўтгач кучга кирази.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2023 йил 15 ноябрь,
ЎРҚ–878-сон

ИККИНЧИ БЎЛИМ**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ФАРМОНИ****463** **Халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотлари билан амалга ошириладиган лойиҳаларни янада жадаллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида***

Халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотлари иштирокидаги лойиҳаларнинг амалга оширилишини жадаллаштириш мақсадида:

1. Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг бюджет ташкилотлари, давлат корхоналари ҳамда ўз устав фондида (устав капиталида) давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган юридик шахслар томонидан ижтимоий соҳа ҳамда инфратузилмани ривожлантириш учун халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотларидан жалб қилинган ва жалб қилинадиган давлат ташқи қарзи ҳисобидан (бундан тижорат банклари орқали қайта молиялаштириладиган ёки қайта кредитланадиган маблағлар мустасно) тўлиқ ёки қисман амалга ошириладиган лойиҳалар доирасида сотиб олиннадиган товарларни (хизматларни) реализация қилишга доир айланмани, шунингдек уларнинг импортини 2028 йил 1 январга қадар қўшилган қиймат солиғидан озод қилиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

2. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда ушбу Фармондан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритишни назарда тутувчи қонун лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

3. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Бош вазир ўринбосари Ж.А. Қўчқоров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2023 йил 16 ноябрь,
ПФ–195-сон

* Ушбу Фармон «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 16 ноябрда эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ФАРМОНИ**464** Иш ҳақи, пенсиялар ва нафақалар миқдорини ошириш
тўғрисида*

Аҳоли турмуш даражасини оширишга қаратилган чора-тадбирлар кўламини кенгайтириш, фуқароларнинг даромадларини изчил ошириб бориш сиёсатини давом эттириш ҳамда уларнинг ижтимоий муҳофазасини кучайтириш мақсадида:

1. 2023 йил 1 декабрдан бошлаб:

бюджет ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар ва нафақалар миқдори 7 фоизга;

базавий ҳисоблаш миқдори 3 фоизга оширилсин.

2. 2023 йил 1 декабрдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида:

меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори — ойига 1 050 000 сўм;

базавий ҳисоблаш миқдори — ойига 340 000 сўм;

пенсияни ҳисоблашнинг базавий миқдори — ойига 372 000 сўм;

ёшга доир энг кам пенсия миқдори — ойига 725 000 сўм;

ногиронлик пенсиялари, жумладан иш стажи тўлиқ бўлмаган чоғдаги ногиронлик пенсиясининг энг кам миқдори — ойига 800 000 сўм;

меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган ногиронлик нафақаси ва болалиқдан ногиронлиги бўлган шахсларга бериладиган нафақа миқдори — ойига 800 000 сўм;

1941 — 1945 йиллардаги уруш оқибатида ногирон бўлган шахслар ва унинг қатнашчилари, шунингдек, фашистлар концлагерларининг вояга етмаган собиқ маҳбуслари ва Ленинград шаҳри қамал қилинган даврда ишлаган шахсларнинг энг кам пенсия миқдори устамаларни инobatга олган ҳолда — ойига 3 527 000 сўм;

белгиланган ёшга доир энг кам пенсия миқдоридан (725 000 сўмдан) 800 000 сўмгача пенсия олувчиларнинг ёшга доир пенсиялари миқдори — ойига 800 000 сўм;

зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги фуқароларга бериладиган нафақа миқдори — ойига 608 000 сўм;

иш стажи тўлиқ бўлмаган чоғдаги ёшга доир пенсиянинг энг кам миқдори қўшимча тўловни ҳисобга олган ҳолда — ойига 608 000 сўм;

ўзгалар парваришига муҳтож ногиронлиги бўлган 18 ёшгача болаларнинг парвариши билан банд бўлган боланинг қонуний вакилига бериладиган нафақа миқдори — ойига 608 000 сўм;

боқувчисини йўқотганлик нафақаси олувчиларнинг бир нафар меҳнатга қобилиятсиз оила аъзоси учун нафақа миқдори — ойига 608 000 сўм этиб белгилансин ва кейинги ҳар бир меҳнатга қобилиятсиз оила аъзоси учун — 212 000 сўмдан қўшилсин;

боқувчисини йўқотганлик пенсияси олувчиларнинг бир нафар меҳнатга қо-

* Ушбу Фармон «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 17 ноябрда эълон қилинган.

билиятсиз оила аъзоси учун пенсиянинг энг кам миқдори — ойига 608 000 сўм этиб белгилансин ва кейинги ҳар бир меҳнатга қобилиятсиз оила аъзоси учун амалдаги тартибга мувофиқ пенсия тўлансин.

3. Бюджет ташкилотлари ходимларининг иш ҳақлари, пенсиялар ва нафақалар миқдори оширилиши билан боғлиқ харажатлар Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ҳамда Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маблағлари ҳисобидан қоплансин.

4. Иш берувчиларга иш ҳақи миқдорини қонунчилик ҳужжатларида белгиланган меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдоридан кам бўлмаган ҳолда тўлашни таъминлаб, иш ҳақи миқдорини меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорига мувофиқ ошириш тавсия этилсин.

5. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги мазкур Фармоннинг ижросини таъминлаш ҳамда таълим ва тиббиёт муассасаларида қўшимча қувватларнинг яратилиши, ўқувчилар сони ҳамда бирламчи тиббиёт муассасалари сонининг ортиши натижасида қўшимча штат бирликлари киритилиши ҳисобига иш ҳақи харажатлари учун талаб этиладиган қўшимча маблағларнинг Давлат бюджетидан ажратилишини таъминласин.

6. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги:

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ҳамда Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги билан биргаликда ушбу Фармоннинг мақсади, вазифалари ва ундан кутилаётган натижаларни оммавий ахборот воситалари, Интернет ва ижтимоий тармоқларда кенг ёритиш ишларини ташкил қилсин;

манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

7. Мазкур Фармоннинг ижросини таъминлаш учун масъул ва шахсий жавобгар этиб Бош вазир ўринбосари Ж.А. Қўчқоров белгилансин.

Фармон ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2023 йил 17 ноябрь,
ПФ–196-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**465** Аҳолини кичик ва ўрта бизнесга кенг жалб қилишнинг
қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида*

Кичик ва ўрта бизнесни молиявий қўллаб-қувватлаш, жумладан аҳолида тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш, уларнинг бизнес ташаббусларини молиялаштириш ва лойиҳаларини амалга оширишга қўмаклашиш бўйича яхлит тизим жорий этиш мақсадида:

1. Аҳолини кичик ва ўрта бизнесга кенг жалб қилишнинг қуйидаги устувор йўналишлари белгилансин:

аҳоли ва тадбиркорлик субъектларини ўқитиш орқали уларнинг бизнес ташаббусларини молиявий ва консултатив қўллаб-қувватлаш тизимини йўлга қўйиш ва «оилавий тадбиркор — микробизнес — кичик бизнес — ўрта бизнес» занжири асосида уларнинг фаолиятини кенгайтириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш;

давлат дастурлари доирасида кичик ва ўрта бизнес лойиҳаларини «Бизнесни ривожлантириш банки» АТБ, «Тадбиркорликни ривожлантириш компанияси» АЖ ва бошқа ҳамкор тижорат банкларидан иборат яхлит молиявий тизим асосида қўллаб-қувватлаш;

тадбиркорликка ўқитиш, кичик ва ўрта бизнес лойиҳаларини молиялаштириш ҳамда бизнес жараёнларининг барча босқичларида доимий ҳамроҳлик қилишни «Кичик бизнесга қўмаклашиш маркази» МЧЖлар ва «Тадбиркорликни ривожлантириш компанияси» АЖда, шунингдек, ваколатли органлар ва тижорат банкларининг тадбиркорлик йўналишидаги электрон платформаларида (кейинги ўринларда — электрон платформалар) амалга ошириш.

2. 2024 — 2026 йиллар учун «Бизнесни ривожлантириш банки» АТБ ва «Тадбиркорликни ривожлантириш компанияси» АЖ фаолиятининг асосий мақсадли кўрсаткичлари этиб қуйидагилар белгилансин:

а) «Бизнесни ривожлантириш банки» АТБ бўйича:

кичик тадбиркорлик субъектларига ажратиладиган кредитлар қолдиғини 1,7 бараварга ошириш орқали кредит портфелидаги улушини 28 фоиздан 43 фоизга етказиш;

кичик бизнес лойиҳаларини молиялаштириш учун халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотларидан жами 800 миллион АҚШ долларигача миқдорда ресурслар жалб қилиш;

300 миллион АҚШ доллари миқдорида облигация (евробонд)ларни халқаро капитал бозорларида муомалага чиқариш;

150 мингта кичик тадбиркорлик субъекти фаолиятини йўлга қўйиш ва кенгайтириш;

б) «Тадбиркорликни ривожлантириш компанияси» АЖ бўйича:

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 16 ноябрда эълон қилинган.

кичик ва ўрта тадбиркорлик субъектларига кўрсатиладиган молиявий хизматлар ҳажмини 8 триллион сўмдан 14 триллион сўмга етказиш;

150 та ўрта бизнес корхонасига улуш киритиш ва хизматлар ипотекаси асосида 300 та лойиҳани тадбиркорлик субъектларига сотиш;

ўрта тадбиркорлик субъектлари сонини 2,5 бараварга ошириш;

300 миллион АҚШ доллари миқдорида облигация (евробонд)ларни халқаро капитал бозорларида муомалага чиқариш.

3. Куйидагилар:

Аҳолини кичик ва ўрта бизнесга кенг жалб қилиш бўйича республика комиссияси (кейинги ўринларда — Республика комиссияси) 1-иловага* мувофиқ таркибда;

Аҳолини кичик ва ўрта бизнесга кенг жалб қилиш бўйича ҳудудий комиссиялар 2-иловага* мувофиқ намунавий таркибда ташкил этилсин.

4. Республика комиссияси (Қўчқоров) 2023 йил 15 декабрга қадар:

ҳудудлар ва давлат дастурлари йўналишлари кесимида 2024 йилда 2 миллион аҳолини бизнесга жалб қилишнинг мақсадли кўрсаткичларини;

«Бизнесни ривожлантириш банки» АТБ ва «Тадбиркорликни ривожлантириш компанияси» АЖ фаолиятининг асосий мақсадли кўрсаткичларига эришиш бўйича аниқ чора-тадбирларни (тармоқ жадвалларини) тасдиқласин.

Иқтисодиёт ва молия вазирининг биринчи ўринбосари И.И. Норқулов, Марказий банк раиси ўринбосари А.А. Турдалиев ва ўзларига бириктирилган ҳудудлар бўйича Республика комиссияси аъзолари зиммасига аҳолини кичик ва ўрта бизнесга кенг жалб қилишнинг устувор йўналишларини рўёбга чиқариш ва мақсадли кўрсаткичларга эришиш вазифаси юклансин.

Республика комиссияси аъзолари бир ой муддатда ўзлари бириктирилган ҳудудда ҳар бир туман ва шаҳарга чиққан ҳолда, аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари учун ўқув семинарларини ташкил қилсин.

5. Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси (Вафаев) бир ой муддатда «Кичик бизнесни узлуксиз қўллаб-қувватлаш» комплекс дастури доирасида лойиҳаларни молиялаштириш учун «Бизнесни ривожлантириш банки» АТБга жами 300 миллион АҚШ доллари миқдорида, шу жумладан:

75 миллион АҚШ доллари «Бизнесни ривожлантириш банки» АТБнинг устав капиталини оширишга;

225 миллион АҚШ доллари субординар қарз сифатида 15 йил муддатга, 5 йиллик имтиёзли давр билан йиллик 5 фоиз ставкада маблағлар ажратсин.

6. Белгилансинки:

а) кичик ва ўрта тадбиркорлик субъектларига «ягона дарча» тамойили асосида хизмат кўрсатиш учун «Кичик бизнесга кўмаклашиш маркази» МЧЖлар ва «Тадбиркорликни ривожлантириш компанияси» АЖнинг вакиллари белгиланган тартибда Савдо-саноат палатасининг ҳудудий бошқармалари биноларига жойлаштирилади;

б) Савдо-саноат палатаси (Ваҳобов), Тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакил (Қосимов), Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги (Убайдуллаев) ҳар ҳафта:

* 1-2-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

маҳаллаларга чиққан ҳолда аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари ўртасида давлат дастурларида кичик ва ўрта бизнес учун белгиланган молиявий имкониятлар тўғрисида тарғибот-ташвиқот ишларини олиб боради;

«Кичик бизнесга қўмаклашиш маркази» МЧЖларда намунавий қўлланмалар асосида аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари учун ўқув семинарларини ўтказиб боради;

салоҳиятли тадбиркорлик субъектларини аниқлаб, «Кичик бизнесга қўмаклашиш маркази» МЧЖларга ва «Тадбиркорликни ривожлантириш компанияси» АЖнинг вакилларига уларнинг лойиҳаларини амалга ошириш бўйича тавсиялар беради.

7. Белгилаб қўйилсинки, давлат дастурлари доирасида ажратилаётган кредитлардан самарали фойдаланиш, уларнинг ўз вақтида қайтарилишини таъминлаш мақсадида 2024 йил 1 июлдан бошлаб:

кредит ажратишнинг барча босқичлари (аризани кўриб чиқиш, қарор қабул қилиш, кафиллик бериш ва кредит ажратиш) рақамлаштирилган ҳолда электрон платформаларда амалга оширилади;

кредит таъминотларини назорат қилиш, гаровга олинган мулкларни тақиқдан тўлиқ ёки қисман чиқариш ҳамда алмаштириш жараёнлари электрон платформалар орқали марказлашган ҳолда ташкил қилинади;

ахборот технологиялари ёрдамида мижозлар бизнес-режалар асосида фаолият юритиши, пул оқимлари ва бошқа кўрсаткичларини таҳлил қилиш орқали хатарларни олдиндан аниқлаш механизми амалиётга киритилади;

давлат дастурлари доирасида туман (шаҳар) ва маҳаллаларга ажратиладиган кредитлар ҳажми юзага келган муаммоли кредитлар улушидан келиб чиқиб белгиланади.

8. 2024 йил 1 январдан 2026 йил 1 январга қадар давлат харидлари махсус ахборот порталида давлат иштирокидаги йирик корхоналар билан кооперация асосида ташкил қилинган кичик тадбиркорлик субъектларига ўзлари ишлаб чиқарган товарларни (маҳсулотларни) давлат буюртмачиларига бир молия йили давомида жами 10 миллиард сўмгача қийматда тўғридан-тўғри шартномалар асосида сотишга рухсат берилсин.

Иқтисодиёт ва молия вазирлиги бир ой муддатда мазкур бандда назарда тутилган шартномаларни тузиш ва рўйхатдан ўтказиш учун давлат харидлари махсус ахборот порталида алоҳида саҳифа ташкил этсин ва уни вазирлик ва идоралар маълумотлар базалари билан интеграция қилсин.

9. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги (Норқулов):

Марказий банк (Турдалиев), «Бизнесни ривожлантириш банки» АТБ (Аннақличев), «Тадбиркорликни ривожлантириш компанияси» АЖ, Савдо-саноат палатаси (Ваҳобов) ва Тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакил (Қосимов) билан биргаликда бир ҳафта муддатда давлат дастурларида назарда тутилган имкониятлар ва уларда иштирок этиш шартлари тўғрисида тақдимот материаллари ва видеороликлардан иборат намунавий қўлланмалар тайёрлаб, Республика комиссияси аъзолари ва ҳудудий комиссияларга етказилиши ҳамда электрон платформаларда жойлаштирилишини таъминласин;

манфаатдор идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

10. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Бош вазир ўринбосари Ж.А. Қўчқоров ва Марказий банк раиси М.Б. Нурмуратов белгилансин.

Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2023 йил 15 ноябрь,
ПҚ–366-сон

УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

466 Ўзбекистон Республикаси Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги тизимидаги спорт-таълим ташкилотларида хизматлар кўрсатишни аутсорсинг асосида ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Маъмурий ислохотлар доирасида ёшлар сиёсати ва спорт соҳасида давлат бошқарувини самарали ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2023 йил 7 апрелдаги ПҚ–114-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 7 апрелдаги ПҚ–114-сон қарори билан тасдиқланган Ёшлар сиёсати ва спорт соҳасида ислохотларни чуқурлаштириш ва тизим фаолиятини трансформация қилиш бўйича «йўл харитаси»нинг 15-бандида давлат спорт-таълим муассасаларида хўжалик, жумладан, спортчи-ўқувчиларни овқатлантириш хизматларини аутсорсинг асосида амалга оширишни йўлга қўйиш белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қўйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги тизимидаги спорт-таълим ташкилотларида аутсорсингга ўтказиладиган хизматлар рўйхати 1-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги тизимидаги спорт-таълим ташкилотларида хизматлар кўрсатишни аутсорсинг асосида ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Белгилаб қўйилсинки:

спорт-таълим ташкилотларида хизматлар аутсорсинг асосида мазкур қарорга 1-иловада келтирилган рўйхатга мувофиқ кўрсатилади;

спорт-таълим ташкилотларида аутсорсинг асосида овқатлантиришни ташкил этишда аутсорсер вақтинча фойдаланадиган ошхонанинг ишлаб чиқариш хоналари, асбоб-ускуналари, идиш-товоқлари ва мебель жиҳозлари текин фойдаланиш шартномаси асосида берилади;

хизматлар кўрсатилиши аутсорсинг асосида ташкил этилиши муносабати билан тежалган Давлат бюджети маблағлари, биринчи навбатда, спорт-таълим ташкилотларининг моддий-техник базасини яхшилашга йўналтирилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитаси Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги билан биргаликда:

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 17 ноябрда эълон қилинган.

спорт-таълим ташкилотларида аутсорсинг асосида овқатлантиришни ташкил этиш бўйича озиқ-овқат маҳсулотлари ва тайёрланаётган таомлар, шунингдек, уларда фойдаланиладиган технологик жиҳозларнинг санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига мослиги;

ошхоналар ходимлари томонидан санитария-гигиена тадбирлари бажарилишига қатъий риоя этилиши устидан назорат олиб борсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги:

2024 йил 1 январга қадар камида 10 та спорт-таълим ташкилотларида овқатлантиришни аутсорсинг асосида ташкил этсин;

мазкур қарорга 1-иловада келтирилган аутсорсингга ўтказиладиган хизматларни спорт-таълим ташкилотларида жорий қилиш чораларини кўрсин;

манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни икки ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси ёшлар сиёсати ва спорт вазири А.И. Икрамов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2023 йил 15 ноябрь,
598-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2023 йил 15 ноябрдаги 598-сон қарорига
1-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги
тизимидаги спорт-таълим ташкилотларида аутсорсингга
ўтказиладиган хизматлар
РЎЙХАТИ**

Т/р	Хизмат тури
1.	Спортчи-ўқувчиларни овқатлантириш
2.	Кир ювиш
3.	Бино ва иншоотларни сақлаб туриш, шунингдек, уларнинг муҳандислик-техник тизимларига хизмат кўрсатиш ва уларни таъмирлаш

Вазирлар Маҳкамасининг
2023 йил 15 ноябрдаги 598-сон қарорига
2-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги
tizимидаги спорт-таълим ташкилотларида хизматлар кўрсатишни
аутсорсинг асосида ташкил этиш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги (кейинги ўринларда — Вазирлик) тизимидаги спорт-таълим ташкилотларида хизматлар кўрсатишни аутсорсинг асосида ташкил этиш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

аутсорсинг — Вазирлик тизимидаги спорт-таълим ташкилотларининг айрим функция ва хизматларини шартнома асосида тадбиркорлик субъектига ўтказиш;

аутсорсер — Вазирлик тизимидаги спорт-таълим ташкилотларига шартнома асосида хўжалик фаолияти билан боғлиқ ишларни бажариш хизматини кўрсатувчи тадбиркорлик субъекти;

бюортмачи — Вазирлик тизимидаги спорт-таълим ташкилотлари;

талабгор — спорт-таълим ташкилотларига аутсорсинг асосида хизмат кўрсатиш ҳамда ушбу Низомга мувофиқ танлашда иштирок этиш истагини билдирган тадбиркорлик субъекти.

3. Бюортмачи хизматларини аутсорсингга ўтказишда қуйидаги шартларга риоя қилиши шарт:

аутсорсерни қонунчилик ҳужжатлари асосида танлаб олиш ҳамда унга ўтказиладиган ишлар (хизматлар) сифатини ошириш;

бюортмачининг аутсорсерга ўтказиладиган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан банд бўлган ходимлар сонини (штатини) қисқартириш.

Бюортмачи хизматларни аутсорсерга ўтказишда уларнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш ва хўжалик фаолияти харажатларини қисқартириш ҳамда аутсорсерга ўтказилган ишлар (хизматлар)нинг сифатини ошириши лозим.

4. Аутсорсер ходимларининг бюортмачига тегишли ҳудудга белгиланган тартибда олдиндан тақдим этилган рўйхат асосида киришига рухсат берилади.

5. Аутсорсинг хизматини кўрсатиш жараёнида махфийлик тартибига риоя этиш бюортмачи томонидан таъминланади.

2-боб. Аутсорсинг хизматларига нарх белгилаш тартиби

6. Аутсорсинг хизматларига ҳақ тўлаш миқдорлари бюортмачи томонидан тегишли хизмат учун сарфланадиган барча харажатлар (иш ҳақи, иш

ҳақиқа ажратма, моддий ва бошқа харажатлар) суммасидан келиб чиқиб белгиланади.

Бунда буюртмачининг хизматларни аутсорсерга ўтказишда уларнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш мақсадида аутсорсерга тўланадиган ҳақ миқдори ушбу хизмат учун буюртмачи томонидан бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан сарфланадиган барча харажатларидан ошиб кетмаслиги керак.

3-боб. Аутсорсерни танлаш, шартнома тузиш ва ҳисоб-китобларни амалга ошириш тартиби

7. Аутсорсер Ўзбекистон Республикасининг «Давлат харидлари тўғрисида»ги Қонуни ва бошқа қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ танланади.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг «Давлат харидлари тўғрисида»ги Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 27 сентябрдаги ПҚ-3953-сон қарорига мувофиқ давлат буюртмачилари томонидан тўғридан-тўғри шартномалар бўйича харид қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар) рўйхатида назарда тутилган ишлар ёки хизматлар бўйича аутсорсер буюртмачи ҳузурида фаолият кўрсатадиган Харид комиссияси (кейинги ўринларда — Харид комиссияси) томонидан катта иш тажрибасига, тегишли молиявий ва моддий-техник базасига эга бўлган талабгорларга устунлик берган ҳолда уларнинг нархларни ўрганиш орқали аниқланади.

9. Талабгорларга нисбатан қуйидаги талаблар қўйилади:

- шартнома тузиш учун қонуний ҳуқуққа эгаллиги;
- шартномани бажариш учун зарур техник, моддий, кадрлар ресурсларининг ҳамда бошқа ресурсларнинг мавжудлиги;
- аутсорсинг хизмати бўйича камида уч ойлик шартнома суммасига тенг айланма маблағларга эга бўлиши;
- солиқлар ва йиғимларни тўлаш бўйича муддати ўтган қарздорликнинг мавжуд эмаслиги;
- ўзига нисбатан жорий этилган банкротлик тартиб-таомилларининг мавжуд эмаслиги;
- инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрида қайд этилмаганлиги;
- қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ хабардор этиш, лицензия ёки рухсат бериш талаб этиладиган фаолият турлари бўйича ваколатли органни хабардор қилган, тегишли лицензия ёки рухсат олган бўлиши.

10. Буюртмачи томонидан аутсорсер ушбу Низомга иловага мувофиқ схема асосида танланади.

11. Аутсорсерни танлашда буюртмачи томонидан тоқ сонли ва камида беш нафар аъзодан иборат таркибда Харид комиссияси тузилади.

Буюртмачи Харид комиссиясининг ҳар бир аъзосига ва масъул котибига ўз вазифаларини амалга ошириш учун давлат харидларининг электрон тизимида шахсий кабинет очади.

12. Буюртмачи томонидан аутсорсерни танлаш тўғрисидаги қарор қабул қилинади.

13. Аутсорсерни танлаш тўғрисида қарор қабул қилинганидан сўнг уч кун ичида буюртмачининг масъул таркибий бўлинмаси томонидан харид ҳужжатлари, шартнома ва танлаш ҳақидаги эълоннинг матни ишлаб чиқилиб, Харид комиссиясига келишиш учун электрон шаклда тақдим этилади.

14. Харид комиссияси томонидан харид ҳужжатлари, шартнома ва танлаш ҳақидаги эълоннинг матни уч кун ичида кўриб чиқилиб, келишилади ҳамда буюртмачига юборилади.

15. Буюртмачи бир кун ичида Харид комиссияси билан келишилган харид ҳужжатларини электрон рақамли имзо билан тасдиқлайди.

16. Тасдиқланган харид ҳужжатлари, шартнома лойиҳаси, шунингдек, аутсорсерни танлаш ҳақидаги эълон талабгорларнинг таклифларини қабул қилиш муддати тугашидан камида беш иш кунидан олдин буюртмачи томонидан давлат харидларининг электрон тизимига жойлаштирилади.

17. Талабгорлар таклифларини ўзларининг шахсий кабинетлари орқали эълонда кўрсатилган муддатдан кечиктирмай тақдим этадилар.

18. Таклифларни очиш муддати келгунга қадар таклифлар талабгорлар, шунингдек, Харид комиссияси масъул котиби ва аъзолар томонидан кўрилишига йўл қўйилмайди (ушбу таклифларни тақдим этган талабгорлар бундан мустасно).

19. Давлат харидларининг электрон тизими талабгор таклиф этган нархнинг бошланғич нархга мувофиқлигини ва электрон майдонларнинг тўлдирилганлигини ҳамда бириктирилган файлларнинг мавжудлигини текширади.

Талабгор томонидан таклиф этилган нарх бошланғич нархдан юқори бўлса, шунингдек, тўлдирилиши мажбурий бўлган майдонлар тўлдирилмаган бўлса ёки бириктирилиши мажбурий бўлган файллар мавжуд бўлмаса, давлат харидларининг электрон тизимида рад этиш сабаби кўрсатилган ҳолда талабгорнинг таклифи рад этилади.

Бириктирилган файллардаги маълумотларнинг талабгор таклифида кўрсатилган маълумотларга мувофиқлиги Харид комиссиясининг масъул котиби томонидан текширилади.

20. Агар таклиф Ўзбекистон Республикасининг «Давлат харидлари тўғрисида»ги Қонуни ва харид ҳужжатлари талабларига мувофиқ бўлса, у Харид комиссияси томонидан расмийлаштирилган деб топилади.

Талабгорнинг таклифи талабларга мос келмаганлиги тўғрисидаги қарор ушбу қарор қабул қилинган кунда талабгорнинг шахсий кабинетига юборилади.

21. Ғолиб харид ҳужжатларида белгиланган мезонлар ва усул асосида аниқланади.

Таклифнинг миқдорий кўрсаткичлари, шу жумладан, нарх қисми давлат харидларининг электрон тизими томонидан автоматик тарзда баҳоланади.

22. Таклифларни кўриб чиқиш ҳамда баҳолаш натижалари давлат харидларининг электрон тизимида автоматик тарзда шаклланган дастлабки электрон баённомада қайд этилади ва уни ўтказиш бўйича Харид комиссияси

аъзолари томонидан электрон рақамли имзодан фойдаланган ҳолда имзоланади.

23. Дастлабки электрон баённома расмийлаштирилган кунда давлат харидларининг электрон тизимида муҳокама қилиш учун икки иш кунига жойлаштирилади.

Икки иш куни ичида талабгорлар томонидан натижалар бўйича эътирозлар тушмаган бўлса, бу тўғрисида Харид комиссиясининг тегишли мажлисининг электрон баённомаси расмийлаштирилади ва давлат буюртмачиси билан ғолиб деб топилган талабгор ўртасида шартнома тузилади.

24. Аутсорсерни танлаш натижалари бўйича талабгорлардан эътирозлар тушганда, Харид комиссияси эътирозларни икки иш куни ичида кўриб чиқади ва тегишли қарор қабул қилади.

25. Буюртмачи томонидан Харид комиссиясига тақдим этилган муҳокама натижалари тўғрисидаги ахборот асосида Харид комиссиясининг тегишли мажлисининг электрон баённомаси расмийлаштирилади ва баённома имзоланган кундан бошлаб уч иш куни ичида давлат харидларининг электрон тизимига жойлаштирилади.

26. Аутсорсерни танлаш натижаларига доир шартнома харид ҳужжатларида ва ўзи билан шартнома тузилаётган талабгор томонидан тақдим этилган таклифда назарда тутилган шартлар асосида ғолиб аниқланган вақтдан бошлаб ўн иш кунидан кечиктирмасдан тузилади.

Бунда шартнома молия йили бошида йилнинг биринчи чораги учун буюртмачининг вақтинча харажатлар сметасида ушбу хизматлар учун ажратилган маблағлар доирасида, йилнинг 1 апрель ҳолатига кўра эса, асосий харажатлар сметасида ажратилган йиллик маблағлар доирасида жорий молия йили охирига қадар (календарь йил учун ўқувчи-спортчиларга бериладиган таътиллارни инобатга олган ҳолда) амал қилинишини назарда тутган ҳолда тузилади.

27. Аутсорсерни танлаш натижаларига кўра шартнома электрон шаклда тузилади ҳамда Шартномаларнинг ягона реестрига киритилади.

28. Кўрсатилган хизматлар ҳисоб-китоби шартнома ойлик суммасининг 15 фоизи олдиндан ўтказиб берилганидан, қолган 85 фоизи ҳақиқатда кўрсатилган хизматлар суммасидан келиб чиқиб ҳар 10 кунда, якуний ҳисоб-китоб эса — кейинги ойнинг 10-санасига қадар амалга оширилади.

29. Уқув йили давомида ўқувчи-спортчилар сони ўзгарганда ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорларига асосан киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар асосида тасдиқланган ўртача бозор нархлари кескин ўзгарганда, аутсорсер ва буюртмачи томонидан шартнома бўйича умумий бошланғич сумманинг 10 фоизидан ошмаган миқдорда қўшимча шартнома тузилиши мумкин.

4-боб. Аутсорсер ва буюртмачининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари

30. Аутсорсер қуйидаги ҳуқуқларга эга:
фойдаланиладиган коммунал хизматлар қиймати белгиланган лимит ва

ташкilotга ажратилган бюджет маблағлари доирасида қопланишини талаб қилиш;

кўрсатган хизматлари учун тўловни шартномада белгиланган миқдор ва муддатда талаб қилиш;

хизматлар таннархининг ўзгариши муносабати билан шартномага ўзгартириш киритиш таклифи билан чиқиш;

буюртмачидан шартнома шартларининг бажарилишини талаб қилиш.

Аутсорсер қонунчилик ҳужжатларига ҳамда шартномага мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

31. Аутсорсер:

ижарага олинган бино ва иншоотлар, жиҳозлардан мақсадли ҳамда оқилона фойдаланиши, сақлаши, носоз ҳолга келганда уларни ўз ҳисобидан таъмирлаши;

аутсорсинг хизматини кўрсатишда техника, ёнғин, меҳнат муҳофазаси ҳамда санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига қатъий риоя этиши;

товар (ишлар, хизматлар)нинг сифатли ишлаб чиқарилишини ва буюртмачига етказилишини таъминлаши;

махфийлик тартибига қатъий риоя қилиши;

шартномани бекор қилиш ҳақида буюртмачини икки ой олдин ёзма равишда огоҳлантириши, ушбу муддат тугагунига қадар эса буюртмачининг тегишли хизматларини узлуксиз ташкил этишни таъминлаши лозим.

Аутсорсер зиммасига қонунчилик ҳужжатларига ва шартномага мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам юкланиши мумкин.

32. Буюртмачи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

товарлар (ишлар, хизматлар) сифатли ишлаб чиқарилиши (бажарилиши, кўрсатилиши)ни талаб қилиш;

ижара шартномаси доирасида аутсорсерга вақтинча фойдаланишга бериладиган технологик жиҳозлар, ошхона ва омборхоналар, асбоб-ускуналар, идиш-товоқлар ва мебеллардан фойдаланиш учун ноль ставкада топшириш ва уларнинг ишчи ҳолатда сақланишини назорат қилиш;

аутсорсернинг фаолиятига аралашмаган ҳолда, шартнома шартларининг бажарилишини назорат қилиш.

Буюртмачи қонунчилик ҳужжатларига ҳамда шартномага мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

33. Буюртмачи шартномага мувофиқ белгиланган муддат ва шартлар асосида аутсорсерга кўрсатилган хизматлар учун, шунингдек, фойдаланиладиган коммунал хизматлар харажатлари бўйича тўловларни белгиланган нормалар асосида спорт-таълим ташкilotларига ажратилган бюджет маблағлари доирасида ўз вақтида амалга ошириши лозим.

Буюртмачи зиммасига қонунчилик ҳужжатлари ва шартномага мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам юкланиши мумкин.

34. Аутсорсинг хизматларини ташкил этишда қонунчилик ҳужжатлари талабларига риоя этилиши бўйича буюртмачи ва аутсорсер масъул ҳисобланади.

5-боб. Аутсорсинг хизмати кўрсатилиши юзасидан назорат ва мониторингни амалга ошириш

35. Аутсорсинг хизмати кўрсатилиши юзасидан назорат ва мониторинг буюртмачи томонидан шартномада белгиланган шартларда ва муддатларда амалга оширилади.

36. Аутсорсинг хизмати кўрсатилиши юзасидан мониторинг буюртмачи ташкил этадиган комиссия (кейинги ўринларда — комиссия) томонидан амалга оширилади.

37. Комиссия таркиби спорт-таълим ташкилотлари педагогик кенгашининг қарорига асосан тасдиқланади.

Комиссия таркибига спорт-таълим ташкилотлари ўқувчи-спортчиларининг камида уч нафар ота-оналари киритилиши лозим.

38. Комиссия:

аутсорсинг хизмати кўрсатилиши юзасидан доимий мониторинг олиб боради, жумладан, спорт-таълим ташкилоти ходимлари ва ўқувчи-спортчилари ўртасида сўровномалар ўтказиши;

мониторинг натижаларидан келиб чиқиб, буюртмачи ва аутсорсерга тегишли таклиф ва тавсиялар киритади;

ошхона ва омборларда санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига риоя қилиниши ҳамда эпидемияга қарши тадбирлар талабларининг бузилиш ҳолатларини бартараф этиш чораларини кўради;

тайёр таом ва озиқ-овқат маҳсулотларининг белгиланган кунлик меъёрларга мос бўлишини ҳамда сифатини ўрганади, зарур ҳолатларда четдан мутахассислар жалб этади.

Комиссия буюртмачи томонидан юкланган бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

39. Аутсорсер томонидан ташкил этилган хизматларнинг санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига, шунингдек, техник тартибга солиш соҳасидаги бошқа норматив ҳужжатлар талабларига тўлиқ мувофиқлиги ваколатли давлат органлари ҳамда Вазирликнинг тегишли бўлинмалари томонидан назорат қилинади.

6-боб. Яқунловчи қоидалар

40. Ушбу Низомда назарда тутилган талабларнинг бузилиши буюртмачи ва аутсорсер ўртасида тузилган шартноманинг белгиланган тартибда бекор қилинишига асос бўлади.

41. Ушбу Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

Ўзбекистон Республикаси
Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги тизимидаги
спорт-таълим ташкилотларида хизматлар
кўрсатишни аутсорсинг асосида ташкил
этиш тартиби тўғрисидаги низомга
ИЛОВА

**Буюртмачи томонидан аутсорсерни танлаш
СХЕМАСИ**

Босқичлар	Субъектлар	Чора-тадбирлар	Муддатлар
1-босқич	Буюртмачи	1. Тоқ сонли ва камида беш нафар аъзодан иборат таркибда харид комиссиясини тузади. 2. Аутсорсерни танлаш тўғрисида қарор қабул қилади.	Заруратга кўра
2-босқич	Буюртмачи	Харид ҳужжатлари, шартнома ва аутсорсерни танлаш ҳақидаги эълоннинг матнини ишлаб чиқиб, Харид комиссиясига келишиш учун электрон шаклда тақдим этади.	Аутсорсерни танлаш тўғрисида қарор қабул қилинганидан сўнг уч кун ичида
3-босқич	Харид комиссияси	Харид ҳужжатлари, шартнома ва аутсорсерни танлаш ҳақидаги эълоннинг матнини кўриб чиқади ва келишилган ҳужжатларни буюртмачига юборади.	Уч кун ичида
4-босқич	Буюртмачи	1. Харид комиссияси билан келишилган харид ҳужжатларини электрон рақамли имзо билан тасдиқлайди. 2. Харид ҳужжатлари, шунингдек, аутсорсерни танлаш ҳақидаги эълонни давлат харидларининг электрон тизимига жойлаштиради.	1. Бир кун ичида 2. Талабгорларнинг таклифларини қабул қилиш муддати тугашидан камида беш иш кунидан олдин
5-босқич	Талабгор	Электрон таклифни ўзининг шахсий кабинети орқали тақдим этади.	Эълонда кўрсатилган муддатдан кечиктирмай
6-босқич	Давлат харидларининг электрон тизими	1. Талабгор таклиф этаётган нархнинг бошланғич нархга мувофиқлигини ва электрон майдонларнинг тўлдирилганлигини ҳамда бириктирилган файлларнинг мавжудлигини текширади. 2. Талабгор томонидан таклиф этилаётган нарх бошланғич нархдан юқори бўлса, шунингдек, тўлдирилиши мажбурий бўлган майдонлар тўлдирилмаган бўлса ёки бириктирилиши мажбурий бўлган файллар мавжуд бўлмаса, рад этиш сабабини кўрсатган ҳолда талабгорнинг таклифини рад этади. 3. Таклиф талабларга мос келмаганлиги тўғрисидаги қарорни талабгорнинг шахсий кабинетига юборади.	Таклифларни қабул қилиш муддати тугагунига қадар Қарор қабул қилинган кунда

7-босқич	Давлат харидларининг электрон тизими	<p>1. Танлаш тўғрисидаги таклифнинг миқдорий кўрсаткичларини, шу жумладан, нарх кисмини баҳолайди.</p> <p>2. Таклифларни кўриб чиқиш ҳамда баҳолаш натижалари бўйича дастлабки электрон баённомани шакллантиради.</p>	<p>1. Таклифлар бериш тугаган пайтдан эътиборан ўн иш кунидан кўп бўлмаган муддатда</p> <p>2. Автоматик тарзда</p>
8-босқич	Харид комиссияси аъзолари	Дастлабки электрон баённомани электрон рақамли имзодан фойдаланган ҳолда имзолайди.	Таклифлар бериш тугаган пайтдан эътиборан ўн иш кунидан кўп бўлмаган муддатда
9-босқич	Давлат харидларининг электрон тизими	<p>1. Дастлабки электрон баённомани муҳокама учун жойлаштиради.</p> <p>2. Электрон баённома муҳокамасини ўтказида.</p>	<p>1. Автоматик тарзда</p> <p>2. Икки иш куни ичида</p>
10-босқич	Харид комиссияси	Талабгорлар томонидан танлов ўтказиш натижалари бўйича эътирозлар тушмаган бўлса, бу тўғрисида тегишли электрон баённомани расмийлаштиради.	Икки иш куни ичида
11-босқич	Буюртмачи	Ғолиб деб топилган талабгор билан электрон шаклда шартнома тузади.	Ун иш куни ичида
12-босқич	Давлат харидларининг электрон тизими	Тузилган шартнома тўғрисидаги маълумотларни Шартномаларнинг ягона реестрига жойлаштиради.	Автоматик тарзда

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ**467 Республика термитларга қарши курашиш маркази фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида***

Республикада термитларга қарши курашишга доир илмий-тадқиқот ишларини ривожлантириш, илм-фан ва ишлаб чиқариш интеграциясини таъминлаш, илмий-тадқиқот ишларини рағбатлантириш, етакчи хорижий илмий муассасалар билан ҳамкорлик ўрнатиш ҳамда замонавий технологияларни республикада жорий этиш ва мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланишни кучайтириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, Давлат активларини бошқариш агентлигининг Фанлар академияси Зоология институти ҳузурида давлат муассасаси шаклидаги Республика термитларга қарши курашиш маркази негизида Республика термитларга қарши курашиш илмий ишлаб-чиқариш маркази (кейинги ўринларда — Марказ)ни ташкил этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

2. Қуйидагилар Марказнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

термитлар биологияси ва экологиясини ўрганиш ҳамда уларнинг зарарли фаолиятига қарши курашиш юзасидан фундаментал, амалий ва инновацион тадқиқотлар ўтказиш;

термитларга қарши курашишда қўлланиладиган ем-хўрак ишлаб чиқариш технологияси ва уни қўллаш усулларини доимий равишда такомиллаштириб бориш ва амалиётга жорий этиш;

термитларга қарши курашиш юзасидан услубий қўлланмалар, тавсиялар ва йўриқномалар ишлаб чиқиш;

республикада аҳоли турар жойлари, табиий ва тарихий обидалар, стратегик объектлар ҳамда иншоотлар ва очиқ ер майдонларида термитларнинг тарқалиши, зарарли фаолияти юзасидан мониторинг юритиш;

Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар ва вилоятлар дезинфекция станциялари ҳамда Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги ҳудудий филиалларининг буюртмасига биноан термитларга қарши ем-хўракларни шартнома асосида тайёрлаб бериш.

3. Қуйидагилар Марказ фаолиятини молиялаштириш манбалари этиб белгилансин:

ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш, бино ва иншоотларни сақлаш харажатларини молиялаштириш, шунингдек, жорий харажатларни қоплаш учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан ажратиладиган маблағлар;

илмий фаолиятга оид дастурларни амалга ошириш учун Ўзбекистон Рес-

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 17 ноябрда эълон қилинган.

публикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги томонидан ўтказиладиган танловлар натижалари бўйича ажратиладиган грантлар;

хўжалик фаолиятдан ҳамда шартнома асосида ўтказиладиган тадқиқотлардан тушадиган тушумлар;

халқаро молия институтлари ва бошқа хорижий ташкилотларнинг грантлари;

қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

4. Белгилаб қўйилсинки:

Марказни бюджет маблағлари ҳисобидан сақлаш харажатлари 2023 йилда Ўзбекистон Республикасининг бюджетидан биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчи сифатида Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясига ажратилган маблағлар доирасида молиялаштирилади, 2024 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрларида назарда тутилади;

Марказ давлат муассасаси шаклидаги юридик шахс ҳисобланади, Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тасвири ва ўз номи туширилган муҳр ва бланкаларга, мустақил балансга, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Ҳазначилик хизмати қўмитасида ҳисобварақларига, банк, шу жумладан чет эл валютасидаги ҳисобварақларига эга бўлади;

Марказ директори Зоология институти директорининг тавсиясига кўра Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси президенти томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилади;

Республика термитларга қарши курашиш илмий ишлаб-чиқариш маркази «Республика термитларга қарши курашиш маркази» давлат муассасасининг барча ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва шартномалари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланади.

5. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Зоология институти ҳузурида «Республика термитларга қарши курашиш илмий ишлаб-чиқариш маркази» давлат муассасасининг тузилмаси 1-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

6. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси президентига, зарур ҳолларда, Марказ тузилмасига ходимларнинг тасдиқланган умумий чекланган сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фонди доирасида ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқи берилсин.

7. Марказнинг раҳбари ва илмий ходимларига Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси илмий-тадқиқот муассасаларининг тегишли лавозимлари учун белгиланган меҳнатга ҳақ тўлаш ва моддий рағбатлантириш шартлари татбиқ этилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси:

Маданий мерос агентлиги ва Марказ билан биргаликда ҳар йили 1 августга қадар маданий мерос объектларида ва уларга туташ бўлган аҳоли турар жойларини термитлардан ҳимоя қилиш мақсадида зарарланган объектларда термитларга қарши курашиш чора-тадбирларни назарда тутувчи дастур ишлаб чиқилишини ва тасдиқланишини таъминласин;

* 1-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва Давлат активларини бошқариш агентлиги билан биргаликда бир ой муддатда Марказни оператив бошқарув ҳуқуқи асосида тегишли бинога жойлаштириш бўйича таклиф киритсин.

9. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳар йилги маҳаллий бюджет параметрларини шакллантириш жараёнида аҳоли турар жойлари, ижтимоий аҳамиятга эга манзиллар ва улар атрофида термитларга қарши курашиш учун сарфланадиган харажатларни молиялаштириш мақсадида белгиланган тартибда зарур маблағлар назарда тутилишини таъминласин.

10. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси:

икки ҳафта муддатда Республика термитларга қарши курашиш илмий ишлаб-чиқариш маркази тўғрисидаги низомни тасдиқласин ва унинг белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминласин;

манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 2-иловага мувофиқ айрим қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

12. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси президенти Б. Юлдашев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2023 йил 16 ноябрь,
605-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2023 йил 16 ноябрдаги 605-сон қарорига
2-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини йўқотган
деб ҳисобланаётган айрим қарорлари**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Республикада термитларга қарши курашиш ишларини жадаллаштириш ва уларнинг зарарини бартараф қилиш тўғрисида» 2012 йил 2 февралдаги 27-сон қарори.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Вазирлар Маҳкамасининг «Республикада термитларга қарши курашиш ишларини жадаллаштириш ва уларнинг зарарини бартараф қилиш тўғрисида» 2012 йил 2 февралдаги 27-сон қарорига ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида» 2019 йил 4 сентябрдаги 725-сон қарори.

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Илмий ва инновацион фаолиятни бошқариш тизимини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2021 йил 27 августдаги 545-сон қарорининг 3-илоvasи 2-банди.

БЕШИНЧИ БЎЛИМ**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ЁШЛАР СИЁСАТИ ВА СПОРТ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ**

468 **Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти ва унинг филиаллари профессор-ўқитувчиларининг педагогик юкломалари ҳажмига ўзгартириш киритиш ҳақида***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил
13 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3108-3*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 21 декабрдаги ПФ–269-сон «Янги Ўзбекистон маъмурий ислохотларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси жисмоний тарбия ва спорт вазирининг 2018 йил 23 ноябрдаги 24-мх-сон буйруғи (рўйхат рақами 3108, 2018 йил 28 декабрь) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 28.12.2018 й., 10/18/3108/2394-сон) билан тасдиқланган Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти ва унинг филиаллари профессор-ўқитувчиларининг педагогик юкломалари ҳажмининг изоҳ қисми бешинчи хатбошисидаги «Спортни ривожлантириш вазирлиги» деган сўзлар «Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

Тошкент ш.,
2023 йил 1 ноябрь,
14-мх-сон

А. ИКРАМОВ

* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 13 ноябрда эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ЁШЛАР СИЁСАТИ ВА СПОРТ ВАЗИРИНИНГ
БҲЙРУҒИ

469 Гимнастика бўйича республика ихтисослаштирилган олимпия захиралари болалар-ўсмирлар спорт мактабига ўқувчи-спортчиларни конкурс асосида танлаб олиш ва қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил
13 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3137-3*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 21 декабрдаги ПФ–269-сон «Янги Ўзбекистон маъмурий ислохотларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармониға мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси жисмоний тарбия ва спорт вазирининг 2019 йил 7 январдаги 2-мҳ-сон бўйруғи (рўйхат рақами 3137, 2019 йил 18 февраль) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 18.02.2019 й., 10/19/3137/2632-сон) билан тасдиқланган Гимнастика бўйича республика ихтисослаштирилган олимпия захиралари болалар-ўсмирлар спорт мактабига ўқувчи-спортчиларни конкурс асосида танлаб олиш ва қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомға иловаға мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур бўйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучға киради.

Вазир

А. ИКРАМОВ

Тошкент ш.,
2023 йил 1 ноябрь,
13-мҳ-сон

* Ушбу бўйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 13 ноябрда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
ёшлар сиёсати ва спорт вазирининг 2023 йил
1 ноябрдаги 13-мх-сон буйруғига
ИЛОВА

**Гимнастика бўйича республика ихтисослаштирилган
олимпия захиралари болалар-ўсмирлар спорт мактабига ўқувчи-
спортчиларни конкурс асосида танлаб олиш ва қабул қилиш
тартиби тўғрисидаги низомга киритилаётган ўзгартиришлар**

1. 5-банддаги «спортни ривожлантириш вазирининг» деган сўзлар «ёшлар сиёсати ва спорт вазирининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. 6-банддаги «Спортни ривожлантириш вазирлиги» деган сўзлар «Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШ ВА БАНДЛИК ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

470 Боғлар ҳамда маданият ва истироҳат боғлари ходимлари учун меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил
14 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2160-1*

Ўзбекистон Республикасининг «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 25 январдаги ПФ–14-сон «Республика ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятини самарали йўлга қўйишга доир биринчи навбатдаги ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 11 ноябрдаги 712-сон «Истеъмолчилар электр қурилмаларини техник эксплуатация қилиш қоидалари ва Истеъмолчилар электр қурилмаларини эксплуатация қилишда хавфсизлик техникаси қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг 2010 йил 27 ноябрдаги 192-Б-сон буйруғи (рўйхат рақами 2160, 2010 йил 6 декабрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 49-сон, 461-модда) билан тасдиқланган Боғлар ҳамда маданият ва истироҳат боғлари ходимлари учун меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларига иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

Б. МУСАЕВ

Тошкент ш.,
2023 йил 26 октябрь,
76-2023/Б-сон

* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 17 ноябрда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
камбағалликни қисқартириш ва бандлик
вазирининг 2023 йил 26 октябрдаги
76-2023/Б-сон буйруғига
ИЛОВА

**Боғлар ҳамда маданият ва истироҳат боғлари ходимлари
учун меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларига киритилаётган
ўзгартиришлар**

1. Муқаддима қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Мазкур Қоидалар боғлар ҳамда маданият ва истироҳат боғлари ходимлари учун меҳнатни муҳофаза қилиш тартибини белгилайди.»

2. 8-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«8. Ўзбекистон Республикаси «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»-ги Қонунининг 12-моддасига мувофиқ, ишлаб чиқариш фаолиятини амалга оширувчи, ходимларининг сони эллик киши ва ундан ортиқ бўлган ҳар бир боғда меҳнатни муҳофаза қилиш талабларига риоя этилишини таъминлаш, уларнинг бажарилиши устидан назоратни амалга ошириш мақсадида меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати ташкил этилади ёки меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича тегишли тайёргарликка эга бўлган мутахассис лавозими жорий этилади. Элликта ва ундан ортиқ транспорт воситаси мавжуд бўлган боғда йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ҳам ташкил этилади ёки йўл ҳаракати хавфсизлиги бўйича мутахассис лавозими жорий этилади.

Ходимларининг сони эллик нафардан кам бўлган боғда меҳнатни муҳофаза қилиш хизматини ташкил этиш ёки меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича мутахассис лавозимини жорий этиш тўғрисидаги қарор иш берувчи томонидан мазкур боғ фаолиятининг ўзига хос хусусияти ҳисобга олинган ҳолда қабул қилинади.»

3. 9-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«9. Меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати ва йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати боғнинг мустақил таркибий бўлинмалари бўлиб, улар бевосита боғ раҳбарига бўйсунди.»

4. 11-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«11. Боғларда меҳнат фаолияти билан боғлиқ равишда содир бўлган бахтсиз ҳодисалар ва бошқа жароҳатланишларни текшириш ва ҳисобини юритиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 6 июндаги 286-сон қарори билан тасдиқланган Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларни ва ходимлар саломатлигининг меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ бошқа хил зарарланишини текшириш ва ҳисобга олиш тўғрисидаги низомга мувофиқ амалга оширилиши лозим.»

5. 30-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«30. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 14 июлдаги 290-сон қарори билан тасдиқланган Ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларнинг меҳнатидан фойдаланилиши тақиқланган оғир ишларнинг ҳамда зарарли ёки хавфли меҳнат шароитларидаги ишларнинг рўйхатига мувофиқ

ўн саккиз ёшга тўлмаган шахслар оғир ишларга ҳамда зарарли ва хавфли меҳнат шароити мавжуд ишларга қабул қилинмаслиги лозим.».

6. 31-банд ўз кучини йўқотган деб топилсин.

7. 32-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«32. Боғларда ходимларнинг саломатлигини назорат қилиш Ходимларни тиббий кўриқдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом (рўйхат рақами 2387, 2012 йил 29 август) асосида амалга оширилиши лозим.».

8. 72-банддаги «давлат санитария назорати органлари» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитасининг ҳудудий бошқармалари ёки туман (шаҳар) бўлимлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

9. 73-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«73. Боғларда электр қурилмаларини ўрнатиш ва улардан фойдаланишда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 11 ноябрдаги 712-сон қарори билан тасдиқланган Истеъмолчилар электр қурилмаларини техник эксплуатация қилиш қоидалари ва Истеъмолчилар электр қурилмаларини эксплуатация қилишда хавфсизлик техникаси қоидалари ва мазкур Қоидалар талабларига риоя қилиниши керак.».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

471 Аграр соҳадаги олий таълим муассасалари қошидаги академик лицейларнинг битирувчиларини ушбу олий таълим муассасаларига якка тартибда суҳбат ўтказиш орқали ўқишга қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил
14 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3476*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 7 июлдаги ПҚ–216-сон «Аграр соҳада илм-фан, таълим ва ишлаб чиқаришни интеграция қилиш орқали сифат ва самарадорликни оширишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюраман**:

1. Аграр соҳадаги олий таълим муассасалари қошидаги академик лицейларнинг битирувчиларини ушбу олий таълим муассасаларига якка тартибда суҳбат ўтказиш орқали ўқишга қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳамда Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан келишилган.

3. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

А. ВОИТОВ

Тошкент ш.,
2023 йил 19 октябрь,
218-сон

Келишилди:

**Олий таълим, фан ва
инновациялар вазири**

И. АБДУРАҲМОНОВ

2023 йил 3 октябрь

Иқтисодиёт ва молия вазири

Д. КУЧКАРОВ

2023 йил 19 октябрь

* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 17 ноябрда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
қишлоқ хўжалиги вазирининг 2023 йил
19 октябрдаги 218-сон буйруғига
ИЛОВА

**Аграр соҳадаги олий таълим муассасалари қошидаги
академик лицейларнинг битирувчиларини ушбу олий таълим
муассасаларига якка тартибда суҳбат ўтказиш орқали ўқишга
қабул қилиш тартиби тўғрисидаги
НИЗОМ**

Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги тизимидаги аграр соҳадаги олий таълим муассасалари (бундан буён матнда олий таълим муассасалари деб юритилади) қошидаги академик лицейларнинг битирувчиларини (бундан буён матнда абитуриентлар деб юритилади) ушбу олий таълим муассасаларига якка тартибда суҳбат ўтказиш орқали ўқишга қабул қилиш тартибини белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Олий таълим муассасаси бакалавриатига ўқишга қабул қилиш суҳбат натижаларига кўра рейтинг тизими бўйича тўпланган баллар асосида амалга оширилади.

2. Абитуриентлар учун суҳбат:

академик лицей дастурлари доирасида чуқурлаштириб ўқитиладиган фанлар бўйича абитуриентнинг билим савияси ва ўзлаштириш даражасини;

аграр соҳани танлашда абитуриентнинг мотивациясини (аграр соҳанинг моҳияти ва ижтимоий аҳамиятини тушуниш, унга доимий қизиқишини кўрсатиш):

абитуриентнинг ўз фикрини равон ифода этиш ва танқидий фикрлаш салоҳиятига эга эканлигини;

абитуриентнинг умумий дунёқараши шаклланганлиги, ўз устида ишлаш ва ижодкорлик қобилиятини аниқлаш бўйича ўтказилади.

3. Абитуриентларни саралаш тадбирлари қуйидаги босқичлардан иборат:

абитуриентларга якка тартибда суҳбатга тавсиянома бериш учун уларнинг академик лицейдаги умумий ўзлаштириш кўрсаткичларини ўрганиб чиқиш;

абитуриентлар билан якка тартибда суҳбат ўтказиш.

**2-боб. Олий таълим муассасаси бакалавриатига ўқишга
кириш учун якка тартибдаги суҳбатда қатнашиш истагидаги
абитуриентларга тавсиянома бериш**

4. Олий таълим муассасаси бакалавриатига ўқишга кириш учун якка тартибдаги суҳбатда қатнашиш истагидаги абитуриентларга тавсиянома

бериш учун олий таълим муассасаси ректорининг буйруғи билан Саралаш комиссияси ташкил этилади.

5. Саралаш комиссияси таркиби ҳар йили 10 июндан кечикмасдан олий таълим муассасаси ва академик лицей ходимлари орасидан камида беш кишидан иборат ва тоқ сонли таркибда шакллантирилади.

Бунда, олий таълим муассасасининг ўқув ишлари бўйича проректори — академик лицей директори Саралаш комиссияси раиси ҳамда академик лицей масъул ходими Саралаш комиссияси котиби ҳисобланади.

6. Саралаш комиссияси унинг аъзолари умумий сонининг камида учдан икки қисми иштирок этганда ваколатли ҳисобланади. Саралаш комиссиясининг қарори оддий кўпчилик овоз билан қабул қилинади ва мажлисда иштирок этган барча аъзолар томонидан тасдиқланадиган баённома билан расмийлаштирилади.

Берилган овозлар сони тенг бўлиб қолган тақдирда, Саралаш комиссияси раисининг овози ҳал қилувчи ҳисобланади.

7. Саралаш комиссияси котиби томонидан саралаш тадбирлари ўтказилишидан камида бир ой олдин академик лицейнинг расмий веб-сайтида тавсиянома олиш учун мурожаат қилиш вақти ҳақида эълон жойлаштирилади.

Абитуриентларга қулайлик яратиш мақсадида академик лицейга кириш жойларида тавсиянома олиш учун мурожаат қилиш вақти ҳақида ахборот стендлари мажбурий тартибда жойлаштирилиши лозим.

8. Абитуриентлар Саралаш комиссиясига эълон жойлаштирилган пайдан бошлаб ўн кун ичида мазкур Низомнинг 1-иловасига мувофиқ шаклдаги ариза билан ёзма ёки электрон шаклда мурожаат қилади.

9. Саралаш комиссияси абитуриент ариза билан мурожаат қилган кундан эътиборан беш кун ичида абитуриентнинг академик лицейдаги умумий ўзлаштириш кўрсаткичини унинг рейтинг дафтарчаси асосида ўрғаниб чиқади.

10. Саралаш комиссияси томонидан абитуриентни дастлабки ўрганиш натижаларига кўра унга тавсиянома бериш ёки бермаслик тўғрисидаги қарор қабул қилинади. Бунда, абитуриентнинг академик лицейдаги умумий ўзлаштириш кўрсаткичи:

71 ва ундан юқори баллни ташкил этган тақдирда абитуриентга тавсиянома берилади;

71 баллдан паст баллни ташкил этган тақдирда абитуриентга тавсиянома бериш рад этилади.

11. Саралаш комиссияси дастлабки ўрганиш натижаларига кўра тавсиянома бериш ёки бермаслик тўғрисидаги қарор ҳақида абитуриентларни ушбу қарор қабул қилинган куннинг ўзида ёзма ёки электрон равишда хабардор қилади.

Абитуриентларга берилган тавсияномалар икки йил давомида амал қилади.

12. Саралаш комиссияси қарор қабул қилинган куннинг ўзида тавсиянома берилган абитуриентлар рўйхатини Сухбат комиссияси котибига тақдим этади.

3-боб. Абитуриент билан якка тартибдаги суҳбат ўтказиш

13. Олий таълим муассасаси бакалавриятига абитуриентларни ўқишга қабул қилиш учун якка тартибдаги суҳбат ўтказиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазирининг буйруғи билан Суҳбат комиссияси ташкил этилади.

14. Суҳбат комиссияси таркиби ҳар йили 1 июлга қадар Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, олий таълим муассасаси ходимлари орасидан камида етти кишидан иборат ва тоқ сонли таркибда шакллантирилади.

Бунда, олий таълим муассасаси ректори Суҳбат комиссияси раиси ҳамда олий таълим муассасаси масъул ходими Суҳбат комиссияси котиби ҳисобланади.

Саралаш комиссияси таркибига киритилган шахсларнинг Суҳбат комиссияси аъзоси бўлишига йўл қўйилмайди.

15. Суҳбат комиссияси унинг аъзолари умумий сонининг камида учдан икки қисми иштирок этганда ваколатли ҳисобланади. Суҳбат комиссиясининг қарори оддий кўпчилик овоз билан қабул қилинади ва мажлисда иштирок этган барча аъзолар томонидан тасдиқланадиган баённома билан расмийлаштирилади.

Берилган овозлар сони тенг бўлиб қолган тақдирда, Суҳбат комиссияси раисининг овози ҳал қилувчи ҳисобланади.

16. Суҳбат комиссияси томонидан ушбу Низомнинг 2-бандидан келиб чиқиб шакллантирилган якка тартибдаги суҳбатда бериладиган саволлар суҳбат бошланишидан камида ўн беш кун олдин Суҳбат комиссияси раиси томонидан тасдиқланади ва олий таълим муассасасининг расмий веб-сайтига жойлаштирилади.

17. Суҳбат комиссияси котиби якка тартибдаги суҳбат ўтказилишидан камида ўн кун олдин якка тартибдаги суҳбат ўтказиш вақти ва жойи ҳақида тавсиянома олган абитуриентларни ёзма ёки электрон шаклда хабардор қилади.

18. Якка тартибдаги суҳбат давлат тилида, шунингдек абитуриентнинг сўровига кўра у танлаган хорижий тилда ўтказилиши мумкин.

19. Абитуриент якка тартибдаги суҳбат ўтказиладиган хонага ўзининг биометрик паспорти ёки идентификация ID-картасини кўрсатган ҳолда киритилади.

20. Якка тартибдаги суҳбатнинг ошкора ва холис ўтказилишини таъминлаш мақсадида якка тартибдаги суҳбат онлайн режимда овозли видеотрансляция қилиниши лозим. Бунда, видеотрансляция ташкиллаштирилиши учун олий таълим муассасаси ректори масъул ҳисобланади.

21. Якка тартибдаги суҳбат ўтказиладиган хонага абитуриентлар томонидан мобил алоқа воситаси, компьютер ёки бошқа алоқа ва телекоммуникация воситалари, китоб, луғат, шпаргалка ва бошқа материаллар олиб кирилиши ҳамда фойдаланилиши тақиқланади.

Бунда, ушбу тақиқланган материалларни олиб кирган ёки улардан фой-

даланган абитуриент якка тартибдаги суҳбатни ўтказиш тартибини бузган деб ҳисобланади ҳамда далолатнома асосида якка тартибдаги суҳбатдан четлаштирилади.

22. Абитуриентнинг якка тартибдаги суҳбатдаги натижалари 20 баллик тизимда баҳоланади.

Бунда, абитуриентга 4 та савол берилади ҳамда ушбу саволларнинг ҳар бири беш баллик тизимда баҳоланади.

Абитуриент якка тартибдаги суҳбат натижалари бўйича 11 баллдан кам балл тўплаган ҳолларда унинг билими «қониқарсиз деб баҳоланиб, якка тартибдаги суҳбатдан ўтмаган деб ҳисобланади.

23. Суҳбат комиссияси абитуриентларни қуйидаги мезонларга асосан баҳолайди:

берилган саволларга тўлиқ ва аниқ, шунингдек асослаб жавоб бериши, аграр фаолият соҳаси билан боғлиқ тизимли билимларга эга бўлиши, улардан мустақил фойдаланишни билиши, ижтимоий муаммолар ва жараёнларни мустақил таҳлил қила олиши — 5 балл;

берилган саволларга аниқ жавоб бериши, бироқ жавобни асослаб беролмаслиги, аграр фаолият соҳаси билан боғлиқ билимларга эга бўлиши, улардан мустақил фойдаланишни билиши, ижтимоий муаммолар ва жараёнларни таҳлил қила олиши — 4 балл;

берилган саволларга тўлиқ жавоб беролмаслиги, аграр фаолият соҳаси билан боғлиқ билимларга эга бўлиши, улардан фойдаланишни билиши — 3 балл;

берилган саволларга ноаниқ жавоб бериши, аграр фаолият соҳаси билан боғлиқ билимларга эга бўлиши, улардан фойдаланишни билмаслиги — 2 балл;

берилган саволларга жавоб бера олмаслиги, аграр фаолият соҳаси билан боғлиқ билимларга етарли даражада эга эмаслиги — 1 балл;

берилган саволларга умуман жавоб бера олмаслиги, аграр фаолият соҳаси билан боғлиқ билимларга умуман эга эмаслиги — 0 балл.

24. Якка тартибдаги суҳбат натижаларини аниқлаш учун Суҳбат комиссияси аъзолари мустақил равишда ушбу Низомнинг 2-иловасига мувофиқ шаклдаги баҳолаш варақаларини тўлдиради ва уларни Суҳбат комиссияси котибига тақдим этади.

Бунда, Суҳбат комиссияси котиби абитуриентга суҳбат комиссияси аъзолари томонидан қўйилган балларни ҳисоблаб чиқиб, ўртача баллни чиқаради.

25. Якка тартибдаги суҳбат натижалари у ўтказилган куннинг ўзида абитуриентларга эълон қилинади ва Суҳбат комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланадиган, комиссия раиси томонидан тасдиқланадиган йиғилиш баённомасида қайд этилади.

4-боб. Абитуриентларнинг апелляция шикоятларини кўриб чиқиш

26. Абитуриентларнинг апелляция шикоятларини кўриб чиқиш учун Ўз-

бекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазири ўринбосарининг буйруғи билан Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва олий таълим муассасасининг камида беш нафар мутахассисларидан иборат таркибда Апелляция комиссияси ташкил этилади.

Бунда, саралаш тадбирлари ва якка тартибдаги суҳбатни ўтказишга масъул бўлган шахсларнинг Апелляция комиссияси таркибига киритилишига йўл қўйилмайди.

27. Саралаш тадбирлари ва якка тартибдаги суҳбат натижаларидан нозори бўлган абитуриент ушбу натижалар эълон қилинган кундан эътиборан ўн кун ичида Апелляция комиссиясига ёзма ёки электрон шаклда апелляция шикоятни бериши мумкин.

28. Апелляция комиссияси апелляция шикоятини, у келиб тушган кундан бошлаб беш кун муддат ичида кўриб чиқади.

Апелляция комиссияси апелляция шикоятни билан мурожаат қилган абитуриентни шикоят кўриб чиқилишидан икки кун олдин уни кўриб чиқиш вақти ва жойи ҳақида огоҳлантиради. Бунда, апелляция шикоятни билан мурожаат қилган абитуриент мазкур шикоятни кўриб чиқишда иштирок этиш ҳуқуқига эга.

29. Апелляция комиссияси унда аъзоларнинг камида учдан икки қисми иштирок этганда ваколатли ҳисобланади. Апелляция комиссиясининг қарори оддий кўпчилик овоз билан қабул қилинади ва мажлисда иштирок этган барча аъзолар томонидан тасдиқланадиган баённома билан расмийлаштирилади.

30. Апелляция комиссияси томонидан апелляция шикоятини кўриб чиқиш давомида абитуриентга уни қайта баҳолашга қаратилган саволлар берилишига йўл қўйилмайди.

31. Шикоятни кўриб чиқиш натижалари бўйича Апелляция комиссияси томонидан қуйидаги қарорлардан бири қабул қилинади:

саралаш тадбирлари ва (ёки) якка тартибдаги суҳбат натижаларини ўзгаришсиз қолдириш;

саралаш тадбирлари ва (ёки) якка тартибдаги суҳбат натижаларига ўзгартириш киритиш.

Апелляция шикоятини кўришда абитуриентнинг якка тартибдаги суҳбат натижасида олган баллини пасайтиришга йўл қўйилмайди.

32. Апелляция комиссияси апелляция шикоятни билан мурожаат қилган абитуриентга ўз қарорини у қабул қилинган куннинг ўзида маълум қилиши керак.

33. Апелляция комиссияси қарори устидан абитуриент юқори турувчи органга ёки судга шикоят қилиши мумкин.

5-боб. Якуний қоидалар

34. Суҳбат комиссиясининг якка тартибдаги суҳбатдан муваффақиятли ўтган абитуриентлар ҳақидаги якуний қайдномаси асосида Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазирининг олий таълим муассасаси бака-

лаврият таълим йўналишларига тўлов-контракт асосида ўқишга тавсия этиш тўғрисидаги буйруғи қабул қилинади.

35. Мазкур Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ жавоб беради.

Аграр соҳадаги олий таълим муассасалари
қошидаги академик лицейларнинг битирув-
чиларини ушбу олий таълим муассасаларига
якка тартибда суҳбат ўтказиш орқали ўқишга
қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомга
1-ИЛОВА

Саралаш комиссияси раиси

_____ га

(Ф.И.О)

_____ дан

(абитуриентнинг Ф.И.О (тўлиқ ёзилади))

АРИЗА

Менга _____ бакалавриятига

(олий таълим муассасасининг номи)

якка тартибдаги суҳбатдан ўтиш учун тавсиянома беришингизни сўрайман.

Маълумотим _____,

(ўрта махсус)

(таълим муассасасининг номи)

_____ йўналишини _____ йилда тугатганман.

(йўналиш номи)

Таълим тўғрисидаги ҳужжат (диплом): серия _____ № _____

Туғилган вақт им ва жойим: _____ йил, _____

(кун, ой, йил)

(туғилган жойи)

Доимий яшаш манзилим: _____

(вилоят, шаҳар, туман, қишлоқ, кўча, уй рақами тўлиқ)

Биометрик паспорт (идентификация ID-картаси) маълумоти:

_____, _____, _____

(серия)

(рақам)

(қачон ва ким томонидан берилган)

_____, _____, _____

(абитуриентнинг Ф.И.О.)

(имзо)

(ариза бериш санаси)

Аграр соҳадаги олий таълим муассасалари қошидаги академик лицейларнинг битирувчиларини ушбу олий таълим муассасаларига якка тартибда суҳбат ўтказиш орқали ўқишга қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомга
2-ИЛОВА

(олий таълим муассасасининг номи)

**бакалавриятига қабул қилиш бўйича якка тартибдаги
суҳбатдан ўтган абитуриентнинг жавобларини
БАҲОЛАШ ВАРАҚАСИ**

Сана _____
(кун, ой, йил)

Абитуриентнинг Ф.И.О. _____

Т/р	Баҳолаш мезонлари	Баллар
1.	Академик лицей дастурлари доирасида чуқурлаштириб ўқитиладиган фанлар бўйича абитуриентнинг билим савияси ва ўзлаштириш даражаси	
2.	Аграр соҳани танлашда абитуриентнинг мотивацияси (аграр соҳанинг моҳияти ва ижтимоий аҳамиятини тушуниш, унга доимий қизиқиши)	
3.	Абитуриентнинг ўз фикрини раво ифода этиш ва танқидий фикрлаш салоҳиятига эга эканлиги	
4.	Абитуриентнинг умумий дунёқараши шаклланганлиги, ўз устида ишлаш ва ижодкорлик қобилиятининг мавжудлиги	

Изоҳ _____

Суҳбат ўтказиш бўйича комиссия аъзоси:

_____ (Ф.И.О)

_____ (имзо)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

472 Шахсга доир маълумотлар базасининг мулкдори ва (ёки) операторининг шахсга доир маълумотларга ишлов берилишини ҳамда уларнинг ҳимоя қилинишини таъминловчи тузилмавий бўлинмаси ёки ваколатли шахси фаолиятини ташкил этишнинг намунавий тартибини тасдиқлаш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил
15 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3477*

Ўзбекистон Республикасининг «Шахсга доир маълумотлар тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ **буюраман:**

1. Шахсга доир маълумотлар базасининг мулкдори ва (ёки) операторининг шахсга доир маълумотларга ишлов берилишини ҳамда уларнинг ҳимоя қилинишини таъминловчи тузилмавий бўлинмаси ёки ваколатли шахси фаолиятини ташкил этишнинг намунавий тартиби иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

А. ТАШКУЛОВ

Тошкент ш.,
2023 йил 14 ноябрь,
19-мх-сон

* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 17 ноябрда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
адлия вазирининг 2023 йил 14 ноябрдаги
19-мх-сон буйруғига
ИЛОВА

Шахсга доир маълумотлар базасининг мулкдори ва (ёки) операторининг шахсга доир маълумотларга ишлов берилишини ҳамда уларнинг ҳимоя қилинишини таъминловчи тузилмавий бўлинмаси ёки ваколатли шахси фаолиятини ташкил этишнинг НАМУНАВИЙ ТАРТИБИ

Ушбу Намунавий тартиб шахсга доир маълумотлар базасининг мулкдори ва (ёки) операторининг шахсга доир маълумотларга ишлов берилишини ҳамда уларнинг ҳимоя қилинишини таъминловчи тузилмавий бўлинмаси (бундан буён матнда бўлинма деб юритилади) ёки ваколатли шахси фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Намунавий тартибда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

шахсга доир маълумотлар — муайян жисмоний шахсга тааллуқли бўлган ёки уни идентификация қилиш имконини берадиган, электрон тарзда, қоғозда ва (ёки) бошқа моддий жисмда қайд этилган ахборот;

шахсга доир маълумотлар субъекти (субъект) — шахсга доир маълумотлар ўзига тааллуқли бўлган жисмоний шахс;

шахсга доир маълумотлар базаси — таркибида шахсга доир маълумотлар мавжуд бўлган ахборот тизими тарзидаги маълумотлар базаси;

шахсга доир маълумотларга ишлов бериш — шахсга доир маълумотларни йиғиш, тизимлаштириш, сақлаш, ўзгартириш, тўлдириш, улардан фойдаланиш, уларни бериш, тарқатиш, узатиш, эгасизлантириш ва йўқ қилиш бўйича бир ҳаракатни ёки ҳаракатлар мажмуини амалга ошириш;

шахсга доир маълумотлар базасининг оператори (оператор) — шахсга доир маълумотларга ишлов беришни амалга оширувчи давлат органи, жисмоний ва (ёки) юридик шахс;

шахсга доир маълумотлар базасининг мулкдори (мулкдор) — шахсга доир маълумотлар базасига эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш ҳуқуқига эга бўлган давлат органи, жисмоний ва (ёки) юридик шахс;

ваколатли шахс — мулкдор ва (ёки) оператор томонидан тайинланган, шахсга доир маълумотларга ишлов берилишини ҳамда уларнинг ҳимоя қилинишини таъминловчи масъул шахс;

бўлинма — мулкдор ва (ёки) оператор томонидан тайинланган, шахсга доир маълумотларга ишлов берилишини ҳамда уларнинг ҳимоя қилинишини таъминлаш учун ташкил этиладиган икки ва ундан ортиқ масъул шахслардан иборат бўлинма;

шахсга доир маълумотларнинг махфийлиги — шахсга доир маълумотлар субъектининг розилигисиз ёки бошқа қонуний асос мавжуд бўлмагани ҳолда шахсга доир маълумотларни ошкор этиш ва тарқатишга йўл қўйилмаслиги бўйича риоя этилиши мажбурий бўлган талаб;

шахсга доир маълумотларни блоклаш (чеклаш) — шахсга доир маълумотларга ишлов беришни вақтинча тўхтатиш (шахсга доир маълумотларни аниқлаштириш учун ишлов бериш зарур бўлган ҳоллар бундан мустасно).

2-боб. Бўлинма ёки ваколатли шахс фаолиятини ташкил этиш

2. Шахсга доир маълумотларга ишлов берилиши ва уларнинг ҳимоя қилинишини таъминлаш учун вазифалар ҳажми, маълумотлар базаларининг сони ҳамда уларнинг автоматлаштирилганлик даражасидан келиб чиқиб, мулкдор ва (ёки) оператор томонидан бўлинма ташкил этилади ёки ваколатли шахс тайинланади.

3. Бўлинма ёки ваколатли шахс фақат мулкдор ва (ёки) операторнинг қонуний топшириқларини бажаради ҳамда бевосита мулкдор ва (ёки) оператор раҳбари олдида жавобгар ҳисобланади.

4. Бўлинма ёки ваколатли шахс ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг «Шахсга доир маълумотлар тўғрисида»ги Қонуни, шахсга доир маълумотлар соҳасидаги бошқа қонунчилик ҳужжатлари, ушбу Намунавий тартиб талабларига ҳамда мулкдор ва (ёки) оператор томонидан тасдиқланган ички тартиб қоидаларга мувофиқ амалга оширади.

5. Бўлинма раҳбари ва ходимлари ёки ваколатли шахс бошқа ишга ўтказилганда (бўлинма тугатилганда) ёки улар билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилинганда, уларнинг маълумотлар базасига кириш ҳуқуқи мулкдор ва (ёки) оператор томонидан охириги иш кунидан кечиктирмасдан бекор қилиниши шарт.

3-боб. Бўлинма ёки ваколатли шахснинг вазифалари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари

6. Қуйидагилар бўлинма ёки ваколатли шахснинг асосий вазифалари ҳисобланади:

шахсга доир маълумотларга ишлов беришда уларнинг ҳимоя қилинишини, яхлитлигини ва бут сақланишини ҳамда махфийлигига риоя этилишини таъминлаш;

шахсга доир маълумотларга қонунга хилоф равишда ишлов берилишининг олдини олиш, қонунчиликда белгиланган талаблар бузилганлиги аниқланган ҳолларда мулкдор ва (ёки) оператор билан келишган ҳолда шахсга доир маълумотларни блоклаш (чеклаш);

мулкдор ва (ёки) операторнинг шахсга доир маълумотлар базаси хавфсизлигини таъминлаш бўйича ахборот хавфсизлиги сиёсатини ташкил этиш ва мувофиқлаштириш;

шахсга доир маълумотлар билан ишловчи ходимлар учун семинар-тренинглар ташкил этиш;

мулкдор ва (ёки) операторнинг шахсга доир маълумотлар базаси хавфсизлигини таъминлашда уларга таҳдид соладиган сабабларни ўрганиш ҳамда мавжуд камчиликларни бартараф этиш ва уларнинг олдини олиш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Бўлинма ёки ваколатли шахс қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа вазифаларни ҳам амалга ошириши мумкин. Бунда, мулкдор ва (ёки) оператор бўлинма ёки ваколатли шахс томонидан бажариладиган ҳар қандай вазифаларнинг манфаатлар тўқнашувига олиб келмаслигини таъминлаши керак.

7. Бўлинма ёки ваколатли шахс қўйидаги ҳуқуқларга эга:

шахсга доир маълумотлар базасида аниқланган камчиликлар бартараф этилгунга қадар мулкдор ва (ёки) операторнинг рухсати билан шахсга доир маълумотлар базалари ишини вақтинча тўхтатиш;

шахсга доир маълумотлар билан ишлаш жараёнида келиб чиқадиган ҳар қандай муаммо ва (ёки) тушунмовчиликлар юзасидан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Персоналлаштириш агентлигидан тегишли тавсияларни олиш учун ушбу Агентликка мурожаат қилиш;

ўз вазифаларини амалга ошириш учун мулкдор ва (ёки) операторда мавжуд шахсга доир маълумотлар базасига чекловларсиз кириш;

шахсга доир маълумотларга ишлов бериш мақсадлари ҳақида мулкдор ва (ёки) оператордан маълумот олиш.

Бўлинма ёки ваколатли шахс қонунчилик ҳужжатлари ва (ёки) мулкдор ёки оператор томонидан тасдиқланган ички тартиб қоидаларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

8. Бўлинма ёки ваколатли шахснинг мажбуриятлари қўйидагилардан иборат:

мулкдор ва (ёки) операторнинг ходимлари томонидан шахсга доир маълумотлар тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларига риоя этилиши устидан ички назоратни амалга ошириш;

шахсга доир маълумотлар базаси ва мазкур базада ишловчи ходимларнинг фаолиятини даврий текширувлардан ўтказиш ва шахсга доир маълумотларга ишлов бериш ҳолати ва амалиётини яхшилаш;

шахсга доир маълумотларни сақлаш муддати тугаганида ёки уларни йиғиш ва уларга ишлов бериш мақсадига эришилгандан сўнг шахсга доир маълумотларнинг йўқ қилинишини ташкил этиш;

шахсга доир маълумотларни ҳимоя қилиш бўйича ҳуқуқий, ташкилий ва техник чораларни кўриш;

шахсга доир маълумотлар базаларида ишлаш ҳуқуқи берилган ходимлар рўйхатини шакллантириш, шахсга доир маълумотлар базаларидан фойдаланган мулкдор ва (ёки) оператор ходимининг логини, фойдаланиш вақти, ресурс номи ва бошқа маълумотлар акс эттирилган электрон қайдларни юриш ва таҳлил қилиб бориш;

шахсга доир маълумотларга рухсатсиз кириш натижасида ўзгартирилган

ёки йўқ қилинган шахсга доир маълумотларни қайта тиклаш имкониятини таъминлаш;

шахсга доир маълумотлар базасидаги маълумотларни сақлаш, ўзгартириш, тўлдириш, улардан фойдаланиш, уларни бериш, тарқатиш, узатиш, эгасизлантириш ва йўқ қилиш, блоклаш (чеклаш), рухсатсиз фойдаланишга уринишларни аниқлаш, таҳлил қилиш ҳамда уларни тезкорлик билан барта-раф этиш чораларини кўриш;

заруратга кўра, шахсга доир маълумотлар сақланадиган сервер қурил-маларидаги электрон (рақамли) маълумотларни бошқа ҳудудда нусхасининг (репликация) реал вақт режимида сақланишини таъминлаш бўйича ишларни ташкиллаштириш;

меҳнат фаолияти давомида ва ундан кейинги даврда шахсга доир маълумотларнинг махфийлигини таъминлаш.

Бўлинма ёки ваколатли шахс қонунчилик ҳужжатлари ва (ёки) мулкдор ёки оператор томонидан тасдиқланган ички тартиб қоидаларига мувофиқ бошқа мажбуриятларни ҳам амалга ошириши мумкин.

4-боб. Яқунловчи қоида

9. Мазкур Намунавий тартиб талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ**473** Шахсга доир маълумотларга ишлов беришнинг намуна-
вий тартибини тасдиқлаш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил
15 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3478*

Ўзбекистон Республикасининг «Шахсга доир маълумотлар тўғрисида»ги
Қонунига мувофиқ **буюраман:**

1. Шахсга доир маълумотларга ишлов беришнинг намунавий тартиби
иловага мувофиқ тасдиқлансин.
2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга
киради.

Вазир

А. ТАШКУЛОВ

Тошкент ш.,
2023 йил 15 ноябрь,
20-мҳ-сон

* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 17 ноябрда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
адлия вазирининг 2023 йил 15 ноябрдаги
20-мх-сон буйруғига
ИЛОВА

Шахсга доир маълумотларга ишлов беришнинг НАМУНАВИЙ ТАРТИБИ

Ушбу Намунавий тартиб шахсга доир маълумотларга ишлов бериш ва ҳимоя қилиш тартибини, шахсга доир маълумотларга ишлов бериш принциплари, мақсадлари ҳамда шартларини, шахсга доир маълумотлар базасининг мулкдори ва (ёки) операторининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Намунавий тартибда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

шахсга доир маълумотлар — муайян жисмоний шахсга тааллуқли бўлган ёки уни идентификация қилиш имконини берадиган, электрон тарзда, қоғозда ва (ёки) бошқа моддий жисмда қайд этилган ахборот;

шахсга доир маълумотлар субъекти (субъект) — шахсга доир маълумотлар ўзига тааллуқли бўлган жисмоний шахс;

шахсга доир маълумотлар базаси — таркибида шахсга доир маълумотлар мавжуд бўлган ахборот тизими тарзидаги маълумотлар базаси;

шахсга доир маълумотларга ишлов бериш — шахсга доир маълумотларни йиғиш, тизимлаштириш, сақлаш, ўзгартириш, тўлдириш, улардан фойдаланиш, уларни бериш, тарқатиш, узатиш, эгасизлантириш ва йўқ қилиш бўйича бир ҳаракатни ёки ҳаракатлар мажмуини амалга ошириш;

шахсга доир маълумотлар базасининг оператори (оператор) — шахсга доир маълумотларга ишлов беришни амалга оширувчи давлат органи, жисмоний ва (ёки) юридик шахс;

шахсга доир маълумотлар базасининг мулкдори (мулкдор) — шахсга доир маълумотлар базасига эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш ҳуқуқига эга бўлган давлат органи, жисмоний ва (ёки) юридик шахс;

учинчи шахс — субъект, мулкдор ва (ёки) оператор бўлмаган, аммо шахсга доир маълумотларга ишлов бериш бўйича ҳолатлар ёки муносабатлар орқали улар билан боғлиқ бўлган ҳар қандай шахс;

шахсга доир маълумотларни йиғиш — шахсга доир маълумотларни олиш билан боғлиқ ҳаракатлар;

шахсга доир маълумотларни тизимлаштириш — шахсга доир маълумотларни маълум бир тизимга бирлаштиришга қаратилган ҳаракат;

шахсга доир маълумотларни сақлаш — шахсга доир маълумотларнинг яхлитлиги, махфийлиги ва фойдаланиш имкониятини таъминлаш бўйича ҳаракатлар;

шахсга доир маълумотларни тарқатиш — шахсга доир маълумот-

ларни номуайян доирадаги шахсларга ошкор этишга, шу жумладан шахсга доир маълумотларни оммавий ахборот воситаларида ҳаммага маълум қилишга, Интернет жаҳон ахборот тармоғига жойлаштиришга ёки шахсга доир маълумотлардан бирор-бир бошқа усул билан фойдаланиш имконини беришга қаратилган ҳаракатлар;

шахсга доир маълумотларни бериш — шахсга доир маълумотларни муайян шахсга ошкор этишга қаратилган ҳаракатлар;

шахсга доир маълумотларни блоклаш (чеклаш) — шахсга доир маълумотларга ишлов беришни вақтинча тўхтатиш (шахсга доир маълумотларни аниқлаштириш учун ишлов бериш зарур бўлган ҳоллар бундан мустасно);

шахсга доир маълумотлардан фойдаланиш — мулкдорнинг, операторнинг ва учинчи шахснинг фаолияти мақсадларини амалга оширишга қаратилган шахсга доир маълумотлар билан ҳаракатлар;

шахсга доир маълумотларни ўзгартириш ва (ёки) тўлдириш — шахсга доир маълумотлар базасида мавжуд бўлган шахсга доир маълумотлар қийматларини ўзгартириш ва (ёки) тўлдириш;

шахсга доир маълумотларни трансчегаравий узатиш — шахсга доир маълумотларни мулкдор ва (ёки) оператор томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарига узатиш;

шахсга доир маълумотларни эгасизлантириш — амалга оширилиши натижасида шахсга доир маълумотларнинг муайян субъектга тегишлилигини аниқлаш имкони бўлмайдиган ҳаракатлар;

шахсга доир маълумотларни йўқ қилиш — амалга оширилиши натижасида шахсга доир маълумотларни тиклаш имкони бўлмайдиган ҳаракатлар;

биографик маълумотлар — субъектнинг фамилияси, исми, отасининг исми, жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами, туғилган йили ва жойи, манзили, касби тўғрисидаги, шунингдек биометрик, генетик ва махсус маълумотлар таркибига кирмайдиган шахсга доир бошқа маълумотлар;

биометрик маълумотлар — субъектнинг анатомик ва физиологик ўзига хос хусусиятларини тавсифловчи шахсга доир маълумотлар (бармоқ излари, юз кўриниши, кўз гавҳари, овоз хусусиятлари ва бошқалар);

генетик маълумотлар — субъектнинг наслдан-наслга ўтган ёки орттирилган хусусиятларига тааллуқли бўлган, субъектнинг биологик қиёфасини таҳлил қилиш ёки муқобил ахборот олиш имконини берадиган бошқа элементни таҳлил қилиш натижаси бўлган шахсга доир маълумотлар;

махсус маълумотлар — ирқий ёки ижтимоий келиб чиқишга оид маълумотлар, сиёсий, диний ёки дунёқарашга оид эътиқодлар, сиёсий партиялар ва қасаба уюшмаларига аъзолик тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек жисмоний ёки руҳий (психик) саломатликка тааллуқли маълумотлар, шахсий ҳаёт ва судланганлик тўғрисидаги шахсга доир маълумотлар.

2. Мазкур Намунавий тартиб шахсга доир маълумотларга ишлов бериш жараёнида мулкдорлар, операторлар, субъектлар ва учинчи шахслар ўртасида юзага келадиган муносабатларга нисбатан қўлланилади.

2-боб. Шахсга доир маълумотларга ишлов беришнинг принциплари, шартлари ва мақсадлари

3. Шахсга доир маълумотларга ишлов беришнинг принциплари қуйидагилардан иборат:

инсон ва фуқаронинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этиш;

шахсга доир маълумотларга ишлов бериш мақсадлари ва усулларининг қонунийлиги;

шахсга доир маълумотларнинг аниқлиги ва ишончилиги;

шахсга доир маълумотларнинг махфийлиги ва ҳимоя қилинганлиги;

субъектлар, мулкдорлар ва операторлар ҳуқуқларининг тенглиги;

шахс, жамият ва давлатнинг хавфсизлиги.

4. Шахсга доир маълумотларга ишлов бериш қуйидаги ҳолларда амалга оширилади:

субъект бу маълумотларга ишлов беришга розилик берганда;

субъект тараф бўлган шартномани бажариш учун бу маълумотларга ишлов бериш ёки шундай шартнома тузилгунига қадар субъектнинг сўровига биноан чоралар кўриш зарур бўлганда;

мулкдор ва (ёки) операторнинг қонунчиликда белгиланган мажбуриятларини бажариш учун бу маълумотларга ишлов бериш зарур бўлганда;

субъектнинг ёки бошқа шахснинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш учун бу маълумотларга ишлов бериш зарур бўлганда;

мулкдор ва (ёки) операторнинг ёки учинчи шахснинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини амалга ошириш учун ёхуд шахсга доир маълумотлар субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилмаслиги шarti билан ижтимоий аҳамиятга молик мақсадларга эришиш учун бу маълумотларга ишлов бериш зарур бўлганда;

шахсга доир маълумотларга уларни мажбурий равишда эгасизлантириш шarti билан статистик ёки бошқа тадқиқот мақсадларида ишлов берилганда;

агар бу маълумотлар ҳамма фойдаланиши мумкин бўлган манбалардан олинган бўлса.

Субъектнинг ҳуқуқларини ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида шахсга доир маълумотларга ишлов бериш зарур бўлган тақдирда, бу маълумотларга ишлов беришга розилик олиш мумкин бўлган пайтга қадар субъектнинг розилигисиз йўл қўйилади.

5. Мулкдор ва (ёки) оператор ёхуд учинчи шахс томонидан шахсга доир маълумотларга ишлов беришда қуйидаги талабларга риоя қилиниши лозим:

шахсга доир маълумотларга ишлов беришни аниқ ва олдиндан белгиланган мақсадларда амалга ошириш;

шахсга доир маълумотларга ишлов беришда мақсадлари бир-бирига мос келмайдиган шахсга доир маълумотлар базаларини бирлаштиришга йўл қўйилмаслик;

шахсга доир маълумотларнинг аниқлиги, ишончилиги, яхлитлиги ва бутлигини таъминлаш;

агар шахсга доир маълумотларни сақлаш муддати қонунчиликда ёки субъект билан тузилган шартномада белгиланмаган бўлса, шахсга доир маълумотларни уларга ишлов бериш мақсадларига эришиш муддатидан ортиқ бўлмаган муддатга сақлаш;

агар қонунчилик ҳужжатларида бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, ишлов берилаётган шахсга доир маълумотлар ишлов бериш мақсадларига эришилгандан сўнг ёки ушбу мақсадларга эришиш зарурати йўқолган тақдирда йўқ қилиниши ёки эгасизлантирилишини таъминлаш.

6. Шахсга доир маълумотларга ишлов беришнинг мақсадлари мулкдор ва (ёки) операторнинг фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, низомлар, таъсис ҳужжатлари ёки бошқа ҳужжатлар билан белгиланади ҳамда Ўзбекистон Республикасининг «Шахсга доир маълумотлар тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ бўлиши керак.

3-боб. Шахсга доир маълумотларга ишлов бериш

7. Шахсга доир маълумотлар ҳамма фойдаланиши мумкин бўлган ва ҳамма фойдаланиши мумкин бўлмаган маълумотларга бўлинади.

Субъектнинг розилиги билан эркин фойдаланилиши мумкин бўлган ёки махфийликка риоя этишга доир талаблар татбиқ этилмайдиган шахсга доир маълумотлар ҳамма фойдаланиши мумкин бўлган шахсга доир маълумотлардир. Улар таркибига шахсга доир маълумотларнинг ҳамма фойдаланиши мумкин бўлган манбаларда, жумладан электрон ахборот ресурсларида, оммавий ахборот воситаларида ва бошқа манбаларда жойлаштирилган шахсга доир маълумотлар кирази.

Ҳамма фойдаланиши мумкин бўлмаган шахсга доир маълумотлар эркин фойдаланилиши учун субъектнинг розилиги берилмаган ҳамда қонунчилик ҳужжатлари билан фойдаланилиши чекланган шахсга доир маълумотлардир. Улар таркибига субъектга тегишли бўлган биографик, биометрик, генетик, махсус ва бошқа маълумотлар кириши мумкин.

8. Шахсга доир маълумотларга ишлов бериш мулкдор ва (ёки) оператор, шунингдек учинчи шахс томонидан субъект ёки унинг қонуний вакилининг розилиги билан амалга оширилади, ушбу Намунавий тартибнинг 4-банди учинчи — саккизинчи хатбошларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

9. Шахсга доир махсус маълумотларга ишлов бериш учун субъектнинг розилиги ёзма шаклда ёки электрон ҳужжат тарзида олиниши лозим.

Офертада (оммавий шартномада) шахсга доир маълумотларга ишлов беришнинг мақсадлари аниқ кўрсатилган тақдирда, офертани (оммавий шартномани) қабул қилиш (тасдиқлаш) субъектнинг шахсга доир маълумотларга ишлов беришга розилиги деб ҳисобланади.

Субъектнинг мулкдор ва (ёки) операторнинг хизматларидан фойдаланиш учун белгиланган талаб ва шартларга розилик бериши мулкдор ва (ёки) оператор томонидан субъектнинг шахсга доир маълумотларига ишловга беришга розилиги ҳисобланади.

10. Субъект ёки унинг қонуний вакили шахсга доир маълумотларга ишлов бериш тўғрисидаги розилигини исталган вақтда қайтариб олиш ҳуқуқига эга.

Бунда, шахсга доир маълумотларга ишлов беришни тўхтатиш ҳақида ариза (хабарнома) келиб тушган кундан кейинги иш кунидан кечикмай мулкдор ва (ёки) оператор томонидан субъектнинг шахсга доир маълумотлари йўқ қилиниши лозим.

11. Шахсга доир маълумотларга ишлов бериш учун субъектнинг розилигида қўйидаги маълумотлар кўрсатилиши лозим:

1) операторнинг номи, СТИРи (жисмоний шахснинг фамилияси, исми ва отасининг исми, ЖШШИР);

2) субъектнинг фамилияси, исми ва отасининг исми, шахсини тасдиқловчи ҳужжат маълумотлари;

3) шахсга доир маълумотларга ишлов бериш мақсадлари;

4) субъектнинг ишлов беришга розилик берилаётган шахсга доир маълумотлари рўйхати;

5) шахсга доир маълумотларга ишлов беришга розилик амал қиладиган муддат ёки давр;

6) шахсга доир маълумотларни учинчи шахсларга бериш ва (ёки) ушбу маълумотларни трансчегаравий узатишга розилиги;

7) шахсга доир маълумотларни ҳамма фойдаланиши мумкин бўлган манбаларда тарқатишга розилиги;

8) бошқа маълумотлар.

12. Ҳамма фойдаланиши мумкин бўлган шахсга доир маълумотларни йиғиш учун субъект ёки унинг қонуний вакилининг розилигини олиш талаб этилмайди.

Шахсий ҳаёт дахлсизлиги ёки эҳтиёт чоралари сифатида ўрнатилган видеотасвирга олувчи воситалар ёрдамида йиғилган маълумотлар уларга аниқ мақсадларда ишлов бериш назарда тутилмаган тақдирда шахсга доир маълумотларни йиғиш ҳисобланмайди. Бунда, ушбу видеотасвирга олувчи воситалар ёрдамида йиғилган маълумотларни тарқатишга йўл қўйилмайди.

13. Шахсга доир маълумотларни тизимлаштириш тартиби ва принциплари мулкдор ва (ёки) оператор томонидан мустақил равишда белгиланади.

14. Шахсга доир маълумотларни сақлаш шахсга доир маълумотларни йиғиш чоғида илгари билдирилган мақсадлар талаб этадиган даражада субъектни идентификация қилиш имконини берадиган шаклда амалга оширилади.

15. Шахсга доир маълумотларни ўзгартириш ҳамда тўлдириш мулкдор ва (ёки) оператор томонидан субъектнинг ёки унинг қонуний вакилининг аризаси (сўрови) асосида ҳамда қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳолларда амалга оширилади.

Шахсга доир маълумотларни ўзгартириш ва тўлдириш субъектнинг аризаси (сўров) берилган пайтдан эътиборан уч кунлик муддатдан кечиктирмай мулкдор ва (ёки) оператор томонидан амалга оширилади ҳамда бу ҳақда субъект хабардор қилинади.

Ҳақиқатга тўғри келмайдиган шахсга доир маълумотларни ўзгартириш ва тўлдириш бундай номувофиқлик аниқланган пайтдан эътиборан дарҳол амалга оширилади.

16. Шахсга доир маълумотлардан фойдаланиш мулкдор ва (ёки) оператор, шунингдек учинчи шахс томонидан фақатгина уларни йиғишнинг илгари кўрсатилган мақсадлари учун амалга оширилиши керак.

Мулкдор ва (ёки) операторнинг, шунингдек учинчи шахснинг шахсга доир маълумотларга ишлов бериш билан боғлиқ бўлган ходимлари томонидан шахсга доир маълумотлардан фойдаланиш фақат уларнинг ўз касбий, хизмат ёки меҳнат мажбуриятларига мувофиқ амалга оширилиши керак.

17. Шахсга доир маълумотларни йиғишнинг илгари билдирилган мақсадларидан четга чиқилган ҳолларда, ушбу маълумотларни тарқатиш субъектнинг розилиги билан амалга оширилади.

18. Давлат органлари томонидан шахсга доир маълумотлар сўраб олинганда шахсга доир маълумотлар субъектига бу ҳақида хабарнома юборилади (бундан давлат сири ва қонунчиликка мувофиқ фойдаланиш чекланган маълумотларни ўз ичига олган ҳолатлар мустасно).

Хўжалик бирлашмалари, давлат ташкилотлари ва муассасалари, нодавлат ташкилотларга шахсга доир маълумотлар унинг субъекти розилиги билан тақдим этилади.

19. Субъектни хабардор қилиш ва унинг розилигини қўйидаги ҳолларда амалга оширилмайди:

давлат органлари ўз ваколатларини амалга ошираётганда;

шахсга доир маълумотлар тарихий, статистик, социологик ёки илмий мақсадларда ишлов бериш учун берилганда;

шахсга доир маълумотлар ҳамма фойдаланиши мумкин бўлган манбалардан йиғилганда.

20. Шахсга доир маълумотларни трансчегаравий узатиш шахсга доир маълумотлар субъектларининг ҳуқуқлари бир хилда ҳимоя қилинишини таъминловчи чет давлатлар ҳудудига амалга оширилади.

21. Шахсга доир маълумотларнинг бир хилда ҳимоя қилинишини таъминламайдиган хорижий давлатлар ҳудудига трансчегаравий узатиш қўйидаги ҳолларда амалга оширилиши мумкин:

1) субъектнинг ўз шахсга доир маълумотларини трансчегаравий узатиш бўйича розилиги мавжуд бўлганда;

2) Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумини ҳимоя қилиш, жамоат тартибини сақлаш, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини, аҳолининг соғлиғи ва маънавиятини муҳофаза қилиш зарур бўлганда;

3) Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида назарда тутилган ҳолларда.

22. Тарихий, статистик, социологик, илмий тадқиқотлар ўтказиш учун шахсга доир маълумотларга ишлов берилаётганда мулкдор ва оператор, шунингдек учинчи шахс бу маълумотларни эгасизлантириши шарт.

Шахсга доир маълумотларни эгасизлантириш учун субъектнинг розилигини олиш талаб этилмайди.

Шахсга доир маълумотларни эгасизлантириш шахсга доир маълумотларни тиклаш имкониятини истисно қилади.

23. Шахсга доир маълумотлар мулкдор ва (ёки) оператор, шунингдек учинчи шахс томонидан қўйидаги ҳолларда уч кун ичида йўқ қилиниши лозим:

- 1) шахсга доир маълумотларга ишлов бериш мақсадига эришилганда;
- 2) субъектнинг шахсга доир маълумотларга ишлов бериш учун берилган розилиги чақириб олинганда;
- 3) шахсга доир маълумотларга ишлов беришнинг субъект берган розилик билан белгиланган муддати ўтганда;
- 4) суднинг қарори қонуний кучга кирганда.

24. Субъект ҳақидаги шахсга доир маълумотларга ишлов бериш қонунчиликни бузган ҳолда амалга оширилганда, субъект ёки унинг қонуний вакилининг талабига, суд қарори ёки бошқа ваколатли давлат органининг талабига асосан бир иш куни ичида у сақланаётган манбадан йўқ қилиниши лозим.

4-боб. Мулкдор ва (ёки) операторнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

25. Мулкдор ва (ёки) оператор:

шахсга доир маълумотлар тўғрисидаги қонунчиликка риоя этиши;
субъектнинг мурожаатига кўра унинг шахсга доир маълумотларига ишлов беришга тааллуқли ахборотни тақдим этиши;

ўзи вазифаларини бажариш учун зарур ва етарли бўлган шахсга доир маълумотлар таркибини тасдиқлаши;

шахсга доир маълумотларга ишлов беришдан кўзланган мақсадга эришилган тақдирда, шунингдек қонунчилик ҳужжатларида белгиланган бошқа ҳолларда уларни йўқ қилиш чораларини кўриши;

қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда субъектнинг ўз шахсга доир маълумотларига ишлов бериш учун розилиги олинганлиги далилини тақдим этиши;

башарти янги маълумотларнинг ишончилиги ҳужжатлар билан тасдиқланса, шахсга доир маълумотларни ўзгартириши ва (ёки) тўлдириши ёхуд бундай ўзгартириш ва (ёки) тўлдиришни киритиш имкони бўлмаган тақдирда бу маълумотларни йўқ қилиши;

шахсга доир маълумотларга ишлов бериш шартлари бузилганлиги тўғрисида ахборот мавжуд бўлган тақдирда, уларга ишлов беришни вақтинча тўхтатиши ёки уларни йўқ қилиши;

субъектнинг шахсга доир маълумотларига ишлов беришни вақтинча тўхтатиш ва (ёки) уларни йўқ қилиш учун субъект томонидан ҳужжатларни электрон тарзда бериш имкониятини таъминлаши;

шахсга доир маълумотлар ўзгартирилган, йўқ қилинган ва улардан фойдаланиш чекланган ҳолларда субъектни, шунингдек шахсга доир маълумотларга ишлов беришнинг бошқа иштирокчиларини ёзма шаклда хабардор қилиши;

давлат органлари томонидан шахсга доир маълумотлар сўраб олинганда,

шахсга доир маълумотлар субъектига бу ҳақида хабарнома юбориши (бундан давлат сири ва қонунчиликка мувофиқ фойдаланиш чекланган маълумотларни ўз ичига олган ҳолатлар мустасно);

хўжалик бирлашмалари, давлат ташкилотлари ва муассасалари, нодавлат ташкилотларга шахсга доир маълумотлар унинг субъекти розилиги билан тақдим этиши;

ўз мулки бўлган ва (ёки) ишлов берилаётган шахсга доир маълумотлар базаларини рўйхатдан ўтказиши;

шахсга доир маълумотларни ҳимоя қилиш бўйича зарур ҳуқуқий, ташкилий ва техник чораларни кўриши шарт.

Мулқдор ва (ёки) оператор шахсга доир маълумотларга ишлов беришни қуйидаги ҳолларда учинчи шахсга топширишга ҳақли:

субъектнинг ёзма шаклдаги, шу жумладан электрон ҳужжат тарзидаги розилиги мавжуд бўлган тақдирда;

агар қарор мулқдор ва субъект ўртасидаги шартномани ижро этиш ёки илгари тузилган шартнома шартларини бажариш учун қабул қилинаётган бўлса; қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда.

26. Мулқдорнинг ва (ёки) операторнинг, шунингдек учинчи шахснинг шахсга доир маълумотларни ҳимоя қилиш бўйича мажбуриятлари шахсга доир маълумотларни йиғиш пайтидан эътиборан вужудга келади ва улар йўқ қилиб ташланган ёки эгасизлантирилган пайтга қадар амал қилади.

27. Мулқдор ва (ёки) оператор шахсга доир маълумотларга ишлов бериш ва уларни ҳимоя қилиш билан боғлиқ ишлар учун масъул бўлган таркибий бўлинмани ёки мансабдор шахсни белгилайди ҳамда унинг фаолиятини Шахсга доир маълумотларга ишлов беришнинг намунавий тартибига мувофиқ таъминлайди.

5-боб. Мулқдор ва (ёки) оператор, шунингдек учинчи шахс томонидан шахсга доир маълумотларни ҳимоя қилиш чораларини кўриш

28. Шахсга доир маълумотлар хавфсизлигига бўлган таҳдид шахсга доир маълумотларга ишлов бериш жараёнида рухсатсиз, шу жумладан тасодиқий кириш натижасида йўқ қилиш, ўзгартириш, блоклаш, нусха олиш, учинчи шахсларга рухсатсиз тақдим этиш, рухсатсиз тарқатиш ва бошқа ноқонуний хатти-ҳаракатларни амалга ошириш имкониятини яратадиган шартлар ва омиллар мажмуидир.

29. Мулқдор ва (ёки) оператор, шунингдек учинчи шахс шахсга доир маълумотларни ҳимоя қилиш бўйича қуйидагиларни таъминлайдиган ҳуқуқий, ташкилий ва техник чораларни кўради:

1) субъектнинг ўз шахсий ҳаётига аралашувдан ҳимоя қилиниш ҳуқуқи амалга оширилишини;

2) шахсга доир маълумотларнинг яхлитлигини ва бут сақланишини;

3) шахсга доир маълумотларнинг махфийлигига риоя этилишини;

4) шахсга доир маълумотларга қонунга хилоф равишда ишлов берилишининг олди олиншини.

30. Шахсга доир маълумотларни ҳимоя қилишни таъминлаш мақсадида мулкдор ва (ёки) оператор куйидагиларни амалга ошириши керак:

1) шахсга доир маълумотларни ҳамма фойдаланиши мумкин бўлган ва ҳамма фойдаланиши мумкин бўлмаган маълумотларга ажратиши;

2) шахсга доир маълумотларга ишлов бериш ва улардан фойдаланиш тартибини белгилаши;

3) шахсга доир маълумотларга ишлов бериш ёки уларга кириш ҳуқуқига эга бўлган шахсларни белгилаши;

4) ахборот хавфсизлиги воситаларини ўрнатиш ҳамда ҳамма фойдаланиши мумкин бўлмаган шахсга доир маълумотларга ишлов берувчи техник воситаларнинг дастурий таъминотини янгилашни таъминлаши;

5) маълумотлар базасини бошқариш тизимларининг ҳодисалар журналини юритиши;

6) ҳамма фойдаланиши мумкин бўлмаган шахсга доир маълумотларга кириш ҳуқуқига эга бўлган фойдаланувчиларнинг ҳаракатларини қайд қилишини таъминлаши;

7) ҳамма фойдаланиши мумкин бўлмаган шахсга доир маълумотлар яхлитлигини назорат қилиш воситаларини қўллаши;

8) субъектнинг розилиги мавжуд бўлганда ҳамма фойдаланиши мумкин бўлмаган шахсга доир маълумотларни хавфсиз алоқа каналлари ва (ёки) шифрлаш воситалари орқали бошқа шахсларга бериши, бундан қонунчилик ҳужжатлари билан назарда тутилган ҳоллар мустасно;

9) ҳамма фойдаланиши мумкин бўлмаган шахсга доир маълумотларни ишончли сақлаш учун криптографик ахборотни ҳимоя қилиш воситаларидан фойдаланишни таъминлаши;

10) ҳамма фойдаланиши мумкин бўлмаган шахсга доир маълумотлар билан ишлашда фойдаланувчиларни идентификация қилиш ва (ёки) аутентификация қилиш воситаларидан фойдаланиши;

11) агар мулкдор ва (ёки) оператор юридик шахс бўлса, шахсга доир маълумотларга ишлов беришни ташкил этувчи ваколатли шахсни тайинлаши ёки тузилмавий бўлинмани ташкил қилиши;

12) шахсга доир маълумотларга ишлов бериш ва уларни ҳимоя қилиш бўйича мулкдор ва (ёки) оператор сиёсатини белгилайдиган ички ҳужжатларни тасдиқлаши;

13) шахсга доир маълумотлар субъектининг мурожаатига асосан шахсга доир маълумотларни блоклаш ва йўқ қилиш тартибини белгилаши;

31. Шахсга доир маълумотларга ишлов бериш жараёнида ахборот хавфсизлигини ташкил этиш ва амалга ошириш Ўзбекистон Республикасининг ахборот хавфсизлиги соҳасидаги давлат стандартлари асосида амалга оширилади.

6-боб. Шахсга доир маълумотларни маълумотлар базаларида ишлов беришда зарур ҳимоя қилинганлик даражаси

32. Мулкдор ва (ёки) операторлар шахсга доир маълумотларга маълумот-

лар базаларида ишлов беришда шахсга доир маълумотларнинг зарур ҳимоя қилинганлик даражасини белгилайди.

Шахсга доир маълумотларга маълумотлар базаларида ишлов беришда шахсга доир маълумотларнинг зарур ҳимоя қилинганлик даражасини белгилаш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 5 октябрдаги 570-сон қарори билан тасдиқланган Шахсга доир маълумотларга ишлов беришда уларнинг ҳимоя қилинганлик даражасини белгилаш тўғрисидаги низомда белгиланган тартибда амалга оширилади.

7-боб. Яқуний қоида

33. Ушбу Намунавий тартиб талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг
вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг
норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан
ўтказиш ҳолати тўғрисида
МАЪЛУМОТИ**

1. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. Ўзбекистон Республикаси ёшлар сиёсати ва спорт вазирининг 2023 йил 1 ноябрдаги 14-мх-сон «Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти ва унинг филиаллари профессор-ўқитувчиларининг педагогик юктамалари ҳажмига ўзгартириш киритиш ҳақида»ди буйруғи.

2023 йил 13 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3108-3.

2. Ўзбекистон Республикаси ёшлар сиёсати ва спорт вазирининг 2023 йил 1 ноябрдаги 13-мх-сон «Гимнастика бўйича республика ихтисослаштирилган олимпия захиралари болалар-ўсмирлар спорт мактабига ўқувчи-спортчиларни конкурс асосида танлаб олиш ва қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи.

2023 йил 13 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3137-3.

3. Ўзбекистон Республикаси камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирининг 2023 йил 26 октябрдаги 76-2023/Б-сон «Боғлар ҳамда маданият ва истироҳат боғлари ходимлари учун меҳнатни муҳофаза қилиш қондаларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги буйруғи.

2023 йил 14 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2160-1.

4. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазирининг 2023 йил 19 октябрдаги 218-сон «Аграр соҳадаги олий таълим муассасалари қошидаги академик лицейларнинг битирувчиларини ушбу олий таълим муассасаларига яқка тартибда суҳбат ўтказиш орқали ўқишга қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи.

2023 йил 14 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3476.

5. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2023 йил 14 ноябрдаги 19-мх-сон «Шахсга доир маълумотлар базасининг мулкдори ва (ёки) операторининг шахсга доир маълумотларга ишлов берилишини ҳамда уларнинг химоя қилинишини таъминловчи тузилмавий бўлинмаси ёки ваколатли шахси фаолиятини ташкил этишнинг намунавий тартибини тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи.

2023 йил 15 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3477.

6. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2023 йил 15 ноябрдаги

20-мҳ-сон «Шахсга доир маълумотларга ишлов беришнинг намунавий тартибини тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи.

2023 йил 15 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3478.

